

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ  
СОХИБАЛАРИ

ГУЛЖАМОЛ АСҚАРОВА

УЙФОТУВЧИ  
АЛЛА

(Шеърлар)



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2007

Ушбу китоб муаллифиning Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Хур ўлка қизлари» танловида биринчи ўринни қўлга киритгани муносабати билан нашр этилмоқда.

Муаллиф Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

10 - 32884  
292

### Аскарова, Гулжамол

Ўйғотувчи алла: Шеърлар. — Т.: «Шарқ», 2007. — 112 б.

«Водийи келиндеқ нозланган юрт бу», «Воҳаси куёвдек отланган юрт бу», «Манглайига зардан зархаллар солиб», «Ўзбекка Худодан хатланган юрт бу» сингари мисраларда она диёр васфини куйлаган Гулжамол Аскарова ўзбек шеъриятига ўзига хос назмий услуби билан кириб келётган шоири қизларимиздан. Ушбу тўпламга шоиранинг севги-муҳаббат, она-Ватан, беғубор болалик, кадрдон қишлоқ манзаралари куйланган энг сара шеърлари киритилган. Назм ихлоҳсандлари Гулжамол ашъорларидан ўзлари учун зарур руҳий озиқ олишларига ишончимиз комил.

«Ўйғотувчи алла» кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК.84(59)

ISBN 978-9943-00-098-8

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2007 йил.

20.07

АЧ10

Alisher Navciy  
nomidagi  
O'zbekiston Mif

*Бугун мен шеърларимни коралаб кўяман.  
Эрта улар мени қўяди оқлаб...*

## **ШЕЪР ҚУВОНЧИ**

Шоира қизим, Гулжамол!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Ибодат» туркумидаги тўртликларингизни ўқидим. Мени жуда ҳам қувонтириди. Нечун? Ҳакиқий шеър кишини хайратлантиради! Ўйлатади! Қалбни тўлқинлатиб, завқлантиради.

Даставвал, шеърларингизга Алишер Навоийдан: «Бу ишк даштидур, саргузашти жон оғатлариданdir», деб эпиграф олтанингиз, шоира бир оз катта кетибди-ку, дегандек ўйлантириб қўйган эди. Аммо сўнг бу эпиграф тасодифий эмаслигига қаноат ҳосил қилдим.

Кейинги йилларда айрим Farb шоирларининг таъсиридами ёки ўзларича янгилик яратмок бўлибми, кишини ўйлантирадиган, ҳайратга соладиган эмас, ҳайрон колдирадиган, бирок қалбни тўлқинлантирмайдиган, завқлантирмайдиган шеърлар ёш шоирлар ижодида кўп учрайдиган бўлиб колди. Бундай шеърларнинг ҳайрон колдирадиган жихати шундаки, буларда шеърият коидасига жавоб берадиган на маълум вазн, на кофия ва на аник маънони англатадиган ифода бор. Энди, ўйлантириб қўядиган томонига келсак, бу шеърлар нима максадда ёзилган, шоир китобхонга нима демоқчи эканини ўйлаб-ўйлаб бир хulosага келолмайсан. Бундай шеърларнинг муаллифлари, бирор хulosha чикаролмасанг, бирор аник маъно тополмасанг, ўқимай қўякол, улар эгасига, ўзимизга тан, дейишлари ҳам мумкин. Аммо ачинарлиси шундаки, аник айтилмаган фикр ўқувчисини завқлантириш, қувонтириш ўрнига кишининг ғашини келтиради, холос! Бу – бизнинг бундай топишмоқларга ўрганмаганигимиэданdir. Сизнинг шеърларингизда ўйлаб-ўйлаб тагига етиб бўлмайдиган топишмоқлар эмас, аник маънони билдирадиган теран фикрлар борлиги мени қувонтириди. Алишер Навоийнинг «Қаро қўзим» ғазалидаги:

*Таковаринга багир қонидан хино болга,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилгил.* —

байтини ўқиганингда узок ўйланасан, сукутга чўмасан. Нихоят, мухаббатга бўлган бунчалик фидойилик, жонбасталикдан хайратга тушасан. Завқингни қалбингга сиғдиролмай, шоир маҳоратига тахсин ўқийсан. Чунки бу сенга ибрат бўлади. Сенинг ҳам шундай бўлгинг келади.

Кизим Гулжамол! Ҳазрат Навоийдан келтирган юкоридаги мисолимнинг боиси шуки, мен шеърларингиздан Навоийни ўқиб уққанлигингиз, мумтоз адабиётта бўлган ихлосингизни сездим. Шеъриятимиизда неки муваффакият бўлса, мумтоз адабиётимииздан баҳраманд бўлишликнинг шарофатидандир, деб биламан.

Шеърларингизнинг менга маъкул бўлганлигига айrim мисоллар келтирмокчи бўлдим-у, аммо газетада берилган расмингизга қараб бир оз ўйга толдим. Мени ўйлатган нарса шуки, ёшларга ҳаддан ташқари ихлос қўйиш, баязан марҳамат эмас, жабр бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Лекин Сизнинг ижодингиз ҳакида ижобий фикрлар айтиш учун алоҳида сабаблар ҳам мавжуд. Бу сизнинг шоир эмас, шоиралигингиз. Албатта, шоирлар билан шоираларнинг феъл-авторида озми-кўпми фарқ бор. Очикроқ айтсам, афзаллик бор. Бу шундаки, шоирлар шоираларга нисбатан мактовга тезрок берилиши мумкин. Лекин:

*На осиёман, итоатдан адашдим ман.  
На гумроҳман, бор тоатдан адашдим ман.  
Нега кўрдим, нега кирдинг юрагимга,  
Сапи кўриб...ибодатдин адашдим ман.* —

дэя олган камтарона шоира, имоним комилки, манмаликка берилмагай. Кишилар қалбига ором берадиган, руҳий озик бағишлайдиган шеърлар ёзишдан адашмагай. Илоҳи омин!

Кизим Гулжамол! Тўртликларингиз шеъриятга бўлган ташналигимни кондирган оби замзамдай бўлди.

**Шукрулло**  
**Ўзбекистон ҳалқ шоири**

**ФАҚАТ  
СЕВГИ  
ХАҚИДА**



## **Азиз китобхон!**

Сиз кимнидир жуда қаттиқ яхши кўрганингиз ҳақидаги китоб бу. Арзимаган бир одамни, бебаҳо түйгулар билан севганингиз ва яна гурурингизни унинг поиларидан кўтариб олсангиз-да, кўнглингизни ундан узолмаганингиз ҳақидаги китоб бу.

«Эй Худо, уни бир марта кўрсам бўлди» деган ўтичларнинг бир мисқоли, юрагингизда ёниб ётган оловнинг бир учкуни жамланган китоб бу.

Ўзингизнинг у билан ҳеч қачон бу дунёда бирга бўлолмаслигингиэни билиб, мумтоз муҳаббатлар тарихидан дардингиэга даволар излаб юрганингиз хусусидаги китоб бу.

Тонгда кўзларингизни очиб, қаерга қараманг унинг сиймосини кўришингиз, кўзларингизни юмиб, уни ўйлаб, кўзларингизни очгингиз келмаслиги, бу дунёнинг ҳисларингизни масхаралайдиган, түйгуларингизни топтайдиган кундалик ташвишларига ўралашмасдан фақат У ҳақида ўйлагингиз келаётгани ҳақидаги китоб бу.

Ишга борасиз, ишдан қайтасиз, кейин қаерга боришингизни билмайсиз ва ўша ишдаги расмиятчиликлардан руҳингизни озод қилиб У ҳақида ўйлайсиз. У Сизни Худога олиб борар сарбонингиз, У сизни Худога севдирувчингиэ. Сизни севмас севдирувчингиэ ҳақидаги китоб бу...

Баъзида унинг қўнгироқларини кутасиз. У кўнглиниг кўчасига келганда бир қўнгироқ қиласидиган, сизни меҳридан умидвор қилиб кейин ёдига ҳам олмайдиган замонангизнинг энг замонавий айёр одамларидан бири. Тавба, кимлигини билиб ҳам бунча уни севасиз. Ўзингиз ҳам билмайсиз. Билмаслигингиэ ҳақидаги китоб бу...

Кани эди унинг телефонлари бўлмаса эди, қани унини яшайдиган манзилини ҳам билмасангиз эди. У маконсиз бўлганда эди. Ёнига бориб қўйиш азобидан оёқларин-

тиз, күнгирок қилиб қүйиш ранжидан құлларингиз құтулар әди. Үзингизни үзингизга танитғани, үзингизни үзингиздан айыргани, үйларингиздан адаштыргани, үйларингизни топиб бергани учун унга раҳмат ва ташаккур! Изхорларингизни еткізмөвчи китоб бу...

Исмини эшиштіганиңиз зақоти томирларингизда ке-застіган титрөк, овозини эшиштіганиңиз оны юрагиңизда үйгонаетін азоб тарихидан сүйлагувлы китоб бу.

Узоқдан бұлса ҳам бир күрсам... Шу ишінж учун дүнёға келгандынғиз?.. Усиз сизге баҳт қайда, Усиз сизге шодлик қайда? Ичингизде жім турған фаредла-рингиз ҳақидагы китоб бу...

Күчада бедол, бемажол кетиб бораётганиңизда ру-хингизга мадорлар багишлаб У чиқса, күзги хазонларга түлгап үйлакчада кетаётганиңизда У үтиб қолса үша үйлакчадан... Сиз үша үйлакчада умрбод турмасмидин-гиз? Сиз үнга ёлворасыз, үндән эса садо үйқ. Унинг оёқлари қаерға босилған бұлса, Сизнің бошингиз үша жойда. Лекин бу қадар фидойилікни У қаердан түшүн-син, қаердан билсін? Ахир У фақат севишиш учун яра-тилған-ку. Севилаверіб севгига тұлыб кетген, аммо севишини билмайдыған одам ҳақидагы китоб бу...

Яшашиңгизга халал бераётгап ақлингиз, күнглингиз истакларини бир зұмда үйкә айлантираётгап ҳукмла-рингиз бор. Рисоладағидек яшашиңгиз лозим бұлғап, би-роқ түшгүлар түгёнга келиб, жунунингиз бошингизга чиқадыған онтарда үзингиздан ва үз ақлингиздан безор бүладыған ғаҳзалараптап хүсусидеги китоб бу.

Токи юрагиңиз үриб турар экан, бу азоб юрагиңизда қондек кезаверади, қачондир юрагиңиз үришдан тұхтар экан, сүяқларингизни қақшатыб кезаверади бу азоб. Бу — шиқ азоби, бу — жавобсыз севги изтироби, бу — мине шылдарки ошиқтарнинг күзида қотиб қолған күз ёшларнинг сүздеги аксиадир. Бағында ҳеч бир сабаб-ларыз күзингизге гүлтилаб ёш келаверади, күзингиз ойнасқыда жөвдираётгап ёш, күзингизни юмсанғиз тұжы-либ кетади. Сиз күзингизни көмчайсиз, чунки шу том-цида Унинг акси бор. Сиз тұжккан ва тұка олмаган күз ёштар хүсусидеги китоб бу...

Минг йилдан буён занжирларидан эрк кутаётган  
құлдек үнга бұлған севгингиздан тұхфа кутасиз, баҳт  
кутасиз. Бекор илинжалар, бефойда умидлар ҳақидағи  
китоб бу...

Майли-да, нима бұлса ҳам қалбингизда бир хазина  
бор-ку. Үша хазина ҳақидағи китоб бу...

Азизим, шу китобни ўқынг дардлашайлық, юракла-  
римиз бир-бirlарини топсингилар.

Гулжамолингиз. 2006 йыл

## **Мұхаббатнинг шарти**

Гоқида кизларнинг күз ёши бекор,  
Йигит севгисидан тонган дунёда.  
Булбул ҳам чаманни ташлаб кетармиш,  
Барлари сарғайған гулни күрганда.

Нада бу севгидан аразим бордир,  
Нада ташлаб кеттган үша йигитдан.  
Дунё үзи шундок, қуриған гулни,  
Барібир қайгадир ташлаб кетиштан.

Эскирган түйғунинг қисмати ҳам шу.  
Шарт әмас бу холга ёқа йиртмоқлик.  
Мұхаббатнинг шарти —  
жим термилмоқдир.  
Мұхаббатнинг шарти әмас етмоқлик.

*2006 ыйл*

## **Әртак**

Әнди қўришмаймиз ҳеч қачон,  
Бизни учраштиrmайди йўллар.  
Сени менга тухфа этганди,  
Кўзларингда очилган гуллар.

Сочларинг ҳам қаро әмасди,  
Мен улардан мұхаббат кутдим.  
Үша рангсиз соchlаринг жакки,  
Мен дунёнинг рангин унудим.

Унудиму, сўнг узок кездим.  
Билдим ишқда қисматим қаро.  
Мен умримни йўқотиб қўйдим,  
Үша рангсиз соchlаринг аро.

Юрагингни йўлакларини,  
Кезиб чиқдим қадам-бақадам.  
Юрагингда олиб кол мени,  
Эй умримга сифмаган одам.

Сарик эди сенинг соchlаринг...  
Хазонлардек сарик эди у.  
Бахорларда топгандим сени,  
Менга кузлар олиб келдинг-ку.

Мен шу рангга ошиқман азал,  
Дерлар: Сарик видонинг рамзи.  
Олтин сочли шахзодам айтгил,  
Энди хечам учрашмаймизми?

Майли, майли учрашмасак ҳам,  
Эшит дилнинг жим ноласини.  
Қолдириб кет сен менга фақат,  
Сочларингнинг бир толасини.

2006 йил

### Рашк касали

Қўнгироқлар қилмай қўйдим,  
Менсизликка ўрган дедим.  
Ахир кунлар ботиши бор,  
Кунсизликка ўрган дедим.

Ўз рашкимдан ўзим тўйдим,  
Ҳар не кўрсам сенга йўйдим,  
Қўзларимни силаб қўйдим,  
Қўзларингни кўрган дедим.

Нима килай, ёниб турсам,  
Рашк касалман, энди билсан,  
Ёнингда бир қизни кўрсам,  
Шу қиз билан юрган дедим.

Фийбатчилар гап қилдилар,  
Пок иомимни чап қилдилар,

Мийигида кулиб секин,  
«Ким у менга хурган» дедим.

Күзга сурма суриб юрма,  
Хар нарсани күриб юрма,  
Ишкى йўқни уриб юрма,  
Ўзи Худо урган дедим.

Нима килай ёмон севсам,  
Юз ўтириб юзин кўрсам,  
Мендан юзин ўгурганни,  
Менга юзин бурган дедим.

Эй ишқдан хеч саводи йўқ,  
Савол берсам жавоби йўқ,  
Сени хеч кимга бермайман,  
Сени Худо берган дедим.

2006 иил

### **Сен келган кун**

Сен бир қучоқ гул билан келдинг,  
Атиргуллар келтирдинг менга.  
Шундан буён гулга айланиб,  
Факат боргим келяпти сенга.

Бахор эди, маст эди дунё,  
Ишқ фаслида телбарок эдим.  
Кўзларимга тикилиб бирдам,  
«Кўнглингида борманми» дединг.

Жуда содда туюлди бу сўз.  
Титрок ичра жилмайдим, кулдим.  
«Кечирасиз мен сизга эмас,  
Шу гулларга ошиқман» дедим.

Шундан буён сени кўрмайман.  
Шундан буён кўзларим кулмас.  
Хар йил кулиб баҳор келару,  
Лекин сенинг гулларинг келмас.

Бахт келса ҳам сенсиз келмасин  
Бирор оним ўтмасин сенсиз.  
Ахир умрим умр бўларми,  
Қайноқ севгинг ва гулларингсиз.

Кўй осмонга чорлама мени,  
Кузатмагил бахт саройига.  
Ахир одам бормоғи керак,  
Факат қўнгли чопган жойига.

Йўлламагил қўй бахтлар томон,  
Таскин сўзлар айтмагил менга.  
Тушун, ахир, гулга айланиб,  
Фақат боргим келяпти сенга...

2006 йил

### Қадри тугаган севги ҳақида

Азал шундок: топишмок қийин,  
Абад шундок: ажралмок осон.  
Мен сен билан хайрлашаман,  
Энди ёрдам бермайди осмон.

Кўзларингни унудим мана.  
Мени хаёл авради зимдан.  
Йиллар ҳукмин ўтказди яна,  
«Ўчди азиз сиймонг ёдимдан.»\*

Билдим, яна англадим охир,  
Ишқ бу нурдир, мен нурсиз адo.  
Сен севмасанг қиёматми айт,  
Ахир мени севади Худо.

Энди менга азиз эмассан,  
Кўрганида қувонмас кўзим.  
Сен-ла бориб бўлмас Худога,  
Ва...

Киблага ўхшамас юзинг.

2006 йил

\*Пушкин сатрлари

## **Мен ва Сен**

Мен шеър ёздим, билмам кимга керак бу шеър,  
Кўксимдаги булокларим сўнмасмикан?  
Кўнгироклар тақдим умрим карвонига,  
Кўнгироғим садолари тинмасмикан?

Художоним, менам баҳтли бўлай дейман,  
Минг йиғладим, бир боргина кулай дейман.  
Мен кўндим-ку бу тақдирнинг таҳқирига,  
Тақдир менинг тақлифимга кўнмасмикан?

Бориб-бориб ёлғон билан чинни билдик,  
Ичимизда бир устунлар синди билдик,  
Кеча мен деб телба бўлиб юрар эдинг,  
Жоним ўша севгиларинг чинмасмикан?

Иккимизнинг икки ёнда зоримиз бор,  
Айттолмаймиз, айтмоқликдан оримиз бор,  
Умримизда бир баҳтсизлик кезиб юрар,  
Шу баҳтсизлик менмасмикан, сенмасмикан?

*2006 йил*

## **Бир қадам**

Ўтаётган хар бир кун,  
Ўлимга бир қадамдир,  
Хиссиз назар ташламоқ,  
Зулмга бир қадамдир.

Ўнгдан юрибман дема,  
Дўнгдан\* юрибман дема.  
Ўнгимдан адаштирумок,  
Сўлимга бир қадамдир.

Тилим кўнглим бекаси,  
Сўз деб ғамлар чекасиз,

\*Дўнг — баланд маъносидা

Дунёнинг энг чеккаси,  
Тилимга бир қадамдир.

Ишқ илмини билмадим,  
Шунданми ҳеч кулмадим,  
Эй ёр кўнглингни олмок,  
Илмга бир қадамдир.

Ҳаётимга кирмоғинг,  
Учун бир лаҳза керак,  
Дилингдан йўл азизим,  
Дилимга бир қадамдир.

2006 йил

## Орзу

Мақбаралар қурдирса бегим,  
Рұхим келиб парвона бўлса.  
Топилмаса дунёда тенгим,  
Мумтоз Махал каби севилсам.

Тупрок бўлиб юксалса таним,  
Гул бўлиб гулзорга қўшилсам.  
Ҳеч бўлмаса энг сўнгги оним,  
Мумтоз Махал каби севилсам.

Бўлмаса ҳам саройга дахлим,  
Мухаббати шохона бўлсам.  
Тавоф қиласа ошиклар ахли,  
Мумтоз Махал каби севилсам.

Бир ишқ берса менга Худойим,  
Подшохни қул, қулни шоҳ қиласам.  
Осмонларга сирмаса ойим,  
Мумтоз Махал каби севилсам.

Гарчи ундоқ оройишим йўқ,  
Шабнамдек гулкосага тўлсам.  
Маликалик фармойишим йўқ.  
Мумтоз Махал каби севилсам.

Жахон ичра жахон бўлардим,  
Фақат ишқни, Худони билсам.  
Бўлмас эди заррача гардим,  
Мумтоз Махал каби севилсам.

2005 йил

### Дугонамга хат

Бунча соғинтирди бизларни бу баҳт,  
Нечун кўқсимизда чўғлар узра чўғ.  
Баҳорда орзулар қилгандим, бироқ,  
Кузда ҳам баҳтимни тополганим йўқ.

Бошимга қорларин ёғиб келар қишиш,  
Қаҳрли қаҳратон менга қиласар дўқ.  
Яна бошланди шу машъум зерикиш,  
Қишида ҳам баҳтимни тополганим йўқ.

Энг яхши дугонам ёз асли менинг,  
Кўнгли тоза унинг, ундан кўнглим тўқ.  
Нинадик яйраб нарво қилмадим,  
Ёзда ҳам баҳтимни тополганим йўқ.

Яна баҳор келди, орзулар фасли...  
Онамнинг кўксига санчилди бир ўқ.  
Келинлик либосин бермади баҳор,  
Чунки мен... баҳтимни тополганим йўқ.

2006 йил

\* \* \*

Интиқомми интиком олмоқ керак!!!  
Ҳар базмда қўлга жом олмоқ керак.

Бу қаламни қўлга олдингми тамом,  
Тоабад, кундузми шом олмоқ керак.

Дийдорин кўрмакка имкон қайдадур,  
Дийдоридин дил ором олмоқ керак.

Ёр лабида бол тутар, у ёр ахир,  
Бол ҳалолми ё ҳаром олмоқ керак.

Гул тотин татиб асал пайдо бўлур,  
Ҳар васлдин бир инъом олмоқ керак.

Эй биродарлар анинг ёрин беринг,  
Гулжамол ёрдин илҳом олмоқ керак.

2006 йил

## Қачондир

(Хафиза опага)

Қачондир дунёда дунё бўлмаган,  
Дунёни яратган тилакларимиз.  
Қачондир бу йўллар айро тушса хам,  
Кўришиб турарми юракларимиз?

Дунё — тиканзор, биз гулзор истадик.  
Ҳар дам ишқ аталмиш озор истадик.  
Тўзиб кетмасмикан бу тиканзорда,  
Сабрдан тикилган кўйлакларимиз?

Эй кўзи сирларга ошино дўстим,  
Эй рухи ҳурларга ошино дўстим.  
Қаранг боғимизга баҳор келмасдан,  
Ҳазонга тўлминидир йўлакларимиз.

Бу қандоқ дунёдир даврон сурмасак,  
Бу қандоқ жаннатдир кўриб тўймасак.  
Наҳот бир дийдорга зор ўтадирмиз,  
Сурма бўлгунича сүякларимиз?

Қачондир дунёда дунё бўлмаган,  
Дунёни бор килган тилакларимиз.  
Қачондир, киёмат койим бўлса хам,  
Бир-бирин топгайдур юракларимиз.

2005 йил

## Адашган меҳр

(.....га)

Мен сизга адашиб меҳр кўйибман,  
Илтимос меҳримни қайтариб беринг.  
Сизнинг илтифотсиз истеҳзонгиздан,  
Мана юрак-бағрим не бўлди кўринг.

Эҳтимол хонимсиз, балки бегойим,  
Менга деса Ҳаво бўлмайсизми, бас.  
Менинг ҳам бу кўнглим хаста ва лекин,  
Сиз тепиб ўтгувчи остона эмас.

Эҳтимол қонингиз шоҳлар қонидан.  
Эҳтимол дунёни тутган шонингиз.  
Менга чикорадир Сиз сифинган тахт,  
Мени кизиқтирмас хонумонингиз.

Мен назмлашганда Нодира билан,  
Сўз сўраб Худога ёлворганим дам.  
Сиз парқу болишда ухлаб ётасиз,  
Эй бир тунам уйқудан қолмаган одам.

Мен сизга адашиб меҳр кўйибман,  
Тавба, мен гуллашни кутибман куздан.  
Бир бора озорлар берганим учун,  
Минг бора узрлар сўрайман Сиздан..

Кечиринг...адашиб меҳр кўйибман...

• • •

Мен сизга адашиб меҳр кўйибман,  
Шу меҳримни балиқлар еса бўларди.  
Шамолларга берсам ўйнаб куларди,  
Мен сизга адашиб меҳр кўйибман.

Мен шундок, меъёрни билмаган одам.  
Исёнкор бандаман Сиз айтгандайин,

Гул берсам ўрнига тош қайтгандайин,  
Мен шундок, мөһөрни билмаган одам.

Шундай яралганман, қаерга борай.  
Турлана олмайман етти букилиб,  
Ахир юракларим кетди түкилиб,  
Шундай яралганман, қаерга борай.

Кандоқ йиғламайин ахир азизим,  
Күзга ёш келганда кулиб бўлмайди.  
Хеч қачон меҳрга тўйиб бўлмайди.  
Кандоқ йиғламайин ахир азизим,

Мен сизга адашиб меҳр қўйибман...

2006 йил 22 август

\* \* \*

Эй кўнгил, бунчалар ғам сели қайдан,  
Дараҳтлар гуллаган шундай гўзал дам.  
Гуллаган боғларда хазонга не бор?  
Бахорда ҳам баҳтсиз бўларми одам?

Эй ёр, сизга бердим гулгун фаслимни,  
Эй ёр сизга бердим, кўнглим-аслимни.  
Бахорнинг боғлари куэга таслимми,  
Гулламок фаслинда сўларми одам?

Мен энди бегона, мени қўйингиз,  
Боқсам кўзларимга сиғмас бўйингиз,  
Бир кун ўлдирмаса эди қўйингиз,  
Дийдор учун жонин тўларми одам?

Эй ёр, пойингизга тўкилмиш байтим,  
Минг йилки, кўрмадим кўзимга қайтинг,  
Оввора бўлмасин...ажалга айтинг,  
СИЗни бир кўрмасдан... ўларми одам?!

2004 йил

## Менсиз

Менсиз ҳам хаётинг чиройли эди,  
Мен билан бўлди у яна чиройли.  
Ва яна менсизсан лекин барибир,  
Кунларинг қуёшли, тунларинг ойли.

Мен сенсиз баҳтларнинг исмин унутдим,  
Сенсизлик... тоабад зулматдир тақдир.  
Не учун менсиз ҳам яшнайверасан,  
Нега менсиз баҳтсиз эмассан ахир?

Сенсизлик қалбимни кетмиш пичоқлаб,  
О, сенинг куйларинг ҳамон авжида.  
Мен сенсиз Худодан кетдим узоқлаб,  
Сен эса Худога яқинсан жуда.

2004 йил

## Сўнгти сўз

Мен сизни безовта қилмасман ортиқ,  
Билдим, бўғзингизга келди малолим.  
Аммо мен нетайки ишксиз дунёда,  
Мудом бўйнингизга тушмиш заволим.

Ёдингизга ёдим малоли келмиш,  
Кўзингиз зериккан, мендан, биламан.  
Гўзал туйғуларим хўрланган жойда,  
Мен нима қиласман?

Йиғлаб чорламасман иложин топсам,  
Энди кўзингизда отмас тонгларим.  
Нурдан тупрокқача сирли дунёда,  
Мен Сизни англадим.

Нур излаб келгандим дунёингизга,  
Зулматлар дарчасин ёполмадим хеч.  
Айрилиқ ранглари тўлган дунёда,  
Мен яшил рангимни тополмадим хеч.

Хайр, мен — ўзига бегона одам,  
Сизга ҳам қадрдон бўлмоғим қийин.  
Мабодо соғиниб қолсангиз агар,  
Кўнғироқ қиласарман...  
Минг йилдан кейин.

2004 йил

• • •

Мен бир кун ўлганимда  
Ёримни бир кўрай деб,  
Очиқ қолган кўзимни  
Юмиб қўйсинглар, дедим.

Мен бир кун ўлганимда  
Эсиз-а, эсиз жони,  
Дея маҳзун хаёлга  
Чўмиб қўйсинглар, дедим.

Ёрижоним васлинг деб,  
Мен бир кун ўлганимда,  
Остонангга бошимни,  
Кўмиб қўйсинглар, дедим.

2004 йил

• • •

Куярмисш қўрган кўнгил,  
Ишққа юз бурган кўнгил,  
Ёшликда берган кўнгил,  
Ёмон бўлар, дейдилар.

Йиллар коқсалар чангинг,  
Кетказармидир зангинг.  
Севганингда ол рангинг  
Сомон бўлар, дейдилар.

Кўксига бўлса бошинг,  
Тўкилмаса кўз ёшинг.  
Васл онларинда қошинг,  
Камон бўлар, дейдилар.

Холим ғам сиёхинда,  
Унсам ҳар гиёхинда,  
Бошинг ёр оёғинда,  
Омон бўлар, дейдилар.

Ишк йўлинда ғам чексанг,  
Ҳажринда чўксанг, чўксанг.  
Кўз ёшларинг юзингда,  
Равон бўлар, дейдилар.

Икки дунё йўқ висол,  
Висолинг менга занол.  
Ёрни кўрса Гулжамол,  
Тамом бўлар, дейдилар.

2004 йил

\* \* \*

Сан ўзинг дўстижоним,  
Хам ўзинг қасди жоним.  
Сенга ғам тутса синсин,  
Дунёнинг дasti, жоним.

Қанча жабр етказдинг,  
Онча сабр етказди.  
Жаннатлардан кўринди,  
Бўйингнинг бости, жоним.

Кўзларингда ўлмасам,  
Сўзларинг деб ўлмасам.  
Бўлармидир кўзларинг,  
Кўзимнинг масти, жоним.

Чорламадинг, келмадим,  
Хеч билмадим, билмадим.

Пойларингда бул кадрим,  
Хазонми, хасми, жоним.

Дерлар: чин ишк нурамас,  
Ошик қадр сўрамас.  
Лек бекадр дунёнгда,  
Дилни ғам босди, жоним.

Не ғамларни кўрдим-ку,  
Аламларни кўрдим-ку,  
Чикора бу дунёнинг,  
Баланду пасти, жоним.

Конларингда оқмасам,  
Жонларингни ёқмасам.  
Дунёларин ёқарман  
Гапимнинг рости, жоним.

2004 йил

## **Мехрибон жаллодим**

Эй дўст, хаётингдан кетмасам бўлмас,  
Мен шундок жавоби йўқ бир саволман.  
Сочдан тирнофингга қараб англадим,  
Сочимдан тирноғим қадар малолман.

Сени унутсайдим тонглар отгунча,  
Сени унутсайдим ойлар ботгунча,  
Қиличинг озорин севибман бунча,  
Ўзимнинг жонимга ўзим заволман.

Юзимга доғ тушди кўқдаги ойдан,  
Дилга ғамлар келди сен борки жойдан,  
Кўксим яраланди сен отган ёйдан,  
Сенинг кўлларингда сен деб уволман.

Дилинг қудуғига боғлаб сол мени,  
Холим шундок забун, хаста ҳол мени.  
Пойингда топталдим... ердан ол мени,  
Сочингни соғиниб ётган рўмолман.

Гарчи кўксинг аро тўкилдим, тўлдим,  
Мехринг айёмида йиғладим-кулдим,  
Кумдан кўза ясаб оввора бўлдим,  
Лойи хеч пишмаган ишуд кулолман.

Мехрингни қизғанма йўлларимга соч,  
Эй меҳрибон жаллод, бошимдаги тож,  
Гадолар тиланса эшигингни оч,  
Пойингга бош уриб ўтган шамолман.

Энди юрмагайман тошга дил ёриб,  
Хазондай сарғайиб, фарибдан-фариб,  
Қиёмат кунидаги қошингга бориб,  
Секин шивирлайман:

Мен...

Гулжамолман !!!

2004 йил

## Мени кечир

Кечир сени асрой олмадим,  
Балолардан, зимистонлардан.  
Ҳаётингга фаришта бўлиб,  
Киролмадим, мени кечиргил!

Кечир, сени севдиму лекин,  
Бир тумордек асрой олмадим.  
«То ўлгунча севасанми» деб,  
Сўролмадим, мени кечиргил!

Сенгача йўл бир қадам эди,  
Сени излаб кеэдим дунёни.  
Лекин ўша битта қадамни,  
Юролмадим, мени кечиргил!

Кўлларингни кўлларим топди,  
Кўзларингни кўрди кўзларим.  
Аммо қалбинг яраларини  
Кўролмадим... Мени кечиргил..!

Мен ишкінгда не бўлсам, бўлдим,  
Холим хароб адолар бўлдим.  
Фақат сенга битта кўзмунчок,  
Бўлолмадим, мени кечиргил!

Мана бугун келдим, қошингта,  
Сахроларни кезиб сарсари.  
Энг сўнгги дам сени бир кўрмай,  
Ўлолмадим... Мени кечиргил!

Ўлолмаяпман. Мени кечиргил,  
Хаётингта фаришта бўлиб,  
Киролмадим, мени кечиргил.

2003 йил

### Эътироф

Юрагимда тинчим йўқ,  
Дунёдан илинжим йўқ.  
Худодан ўтинчим кўп,  
Сизга қолган куним бор.

Рангим сомон, азизим,  
Бу не замон, азизим?  
Холим ёмон, азизим,  
Сизга қолган куним бор.

Тиғлар занглар кўксимда,  
Ғубор, чанглар кўксимда,  
Мудом жанглар кўксимда,  
Сизга қолган куним бор.

Сизми бошимда тожим,  
Ишким – дунёга божим.  
Бору йўқ эҳтиёжим,  
Сизга қолган куним бор.

Руҳим бор нур, зиёда,  
Бугун қайфум зиёда.  
Ҳеч нарсам йўқ дунёда,  
Сизга қолган куним бор.

2004 йил

## **Сизга**

Сизнинг борлигингиз  
нақадар яхши,  
Дунёда гулларнинг  
борлиги каби...  
Сизнинг борлигингиз  
нақадар яхши,  
Яшил майсаларнинг  
овози янглиғ.

Сизнинг борлигингиз  
нақадар яхши,  
Муқаддас сўзларнинг  
мавжудлигидек...  
Сизнинг борлигингиз  
нақадар яхши,  
Самимий қўлларнинг  
эҳтиромидек.

Сизнинг борлигингиз...  
Бу гузал маъно,  
Осмон каби улкан,  
осмон каби кенг.  
Сизнинг борлигингиз  
нақадар яхши,  
Дунёда борлиги каби  
ХУДОнинг!!!

*2003 йил*

• • •

Яхши бўлди – сендан айрилдим,  
Кетмоғим-чун топиб бердинг йўл.  
Бу дунёда сени топдим, деб,  
Йўқотибман ўзимни буткул.

Яхши бўлди, счилди бугун,  
Оёғимдан бу занжир, бу ғул.

Икки дунё сени шохим деб,  
Кул қилибман ўзимни буткул.

Яхши бўлди, ёмон бўлса ҳам,  
Юрагимни ээса ҳам дардинг.  
Мен ақлини топган телбадай,  
Пойларингдан бошим кўтардим.

Кечир, озор бериб меҳрим-ла,  
Зериктирдим, мен — содда, мен — гўл.  
Бу дунёда сени борсан деб,  
Бошқалардан кечибман буткул.

Худойимнинг жазоси қутлуғ!  
Сендан кетдим, эй қаҳрли гул.  
Шукр, шукр сени ёд этиб,  
Унутмабман Худони буткул.

Шунинг-чун ҳам омон бўл энди,  
Мен барига силкиб қўйдим кўл.  
Англадимки, сени йўқотсам.  
Худойимни топаман буткул!

Энди хайр, энди алвидо!  
Бари рўё, бари сароб, кул.  
Даргоҳингга сифмаганимдай,  
Юрагимга сифмассан буткул.

Мен меҳрманд, телба гўдакдек,  
Кўз ёшимга ёмон тойрилдим.  
Яхши эди... сени топганим,  
Яхши бўлди... Сендан айрилдим.

2004 йил

## Қаҳратон

Нима бўлди, нималар бўлди,  
Икки ёнга кетдик айрилиб.  
Кетарканман карагим келди,  
Сўнг бора ортимга қайрилиб.

Карамадим, қарай олмадим,  
Әтсам хамки бу мағұр бошни.  
Хеч күрсатгим келмади Сизга,  
Күзларимга түлган күэ ёшни.

Мен меҳрлар бергандим Сизга,  
Ёниб әнік оташ меҳрлар.  
Бугун менинг құрларим сүнгап  
Бугун Сизни кимлар сеҳрлар.

Маъюсланиб қоласиз, ногох,  
Нафратидир күксимда ўсган?  
Зор бұласиз бир күн, барибир,  
Жаннатларда топилмас хисга.

Кимдан хато ўтди — билмадим,  
Сиз хануз жим, мен хамон жимман.  
Қаҳратонли бир совук кунда,  
Худо бир ўт олар күксимдан.

«Қайтариб бер меҳрингни» дейсиз,  
Билмайсиз, қалб ғамдан толганин.  
Пичирлайман совук, хотиржам:  
«Банда бермас Худо олганин».

2004 йыл

## Ёмғирли күнлар

Мени күзатасан ёмғирлар билан,  
Илоё офтоблар күзатсын сени.  
Кетяпман дардингни тузата олмай,  
Энди дуоларим тузатсын сени.

Мана кетаяпман шу сүзни айтиб,  
Уфкларга сачраб дилимнинг ранги.  
Мени таъқиб этар қиёматгача,  
Ёмғир шивирию исминг жарангы.

Менам дарвеш әдим, эй Машраб бобо,  
Бугун жонга тегди кулох-жанда хам.  
Менинг күзларимдан ёш тинмагандай,  
Ёмғирлар тинмабди Самарқандда хам.

Энди хайр эмас, алвидо, дўстим,  
Ранжима соғинчлар эзган бағирдан.  
Сен — кузда адашиб колган баҳорсан,  
Мен ёзда адашиб ёқкан ёмғирман.

Сен сира куйинма бори айб менда,  
Йўллар юрагингга бошлади мени.  
Тошкентта келгандим, гуноҳкорсан, деб,  
Ёмғирлар савалаб ташлади мени.

Энди кузатмайсан ёмғирлар билан.

2004 йил

### **Бахт дастхати**

Умидландим, кўп умидландим:  
Манглайда бахт дастхати бордир.  
Сендан айрилдим-ку бунда ҳам,  
Худойимнинг ҳикмати бордир.

Топганим ҳам бежизга эмас,  
Ҳикмат туйдим йўқотганим дам.  
Мен сендан ўзимни топибман,  
Эй ўзини топмаган одам.

Сени топиб, топдим ўзимни,  
Гарчи бағрим, юрагим яро.  
Ахир умрим йиглаётибди,  
Йўқотишлар-топишлар аро.

Бир ҳикматни англадим, етдим,  
Бежизга ҳеч кирмамиш тикан.  
Топганим бу — йўқотганимдир,  
Йўқотганим топганим экан.

«Дийдор энди қиёматгами?»  
Дилга шундай қайғулар келди.  
Топганимда йиглайман маъюс,  
Жилмаяман йўқотсам энди.

2004 йил



## Дуо

Мендан кетган, йигит алвидо!  
Олмадингиз мендан ишк дарсин.  
Худо дедим! Сиз мен деб куйинг,  
Сочларингиз мен деб окарсин.

Кўзингизга ғам бўлиб чўкай,  
Мен ўғирлай тунлар хобингиз.  
Кўксингизга ўқдай санчилай,  
Ўзим бўлай изтиробингиз.

Гарчи бугун кетдингиз ташлаб,  
Гарчи сиз деб чекяпман алам.  
Аммо билинг сиз ҳам кўксимда,  
Бир лахзага ёниб ўчган шам.

Мен ўзимни овутиб дедим:  
Бир йигит деб куймоклик нечун?  
Қиёматда жазо бор ахир,  
Гулжамолдан кечганлар учун.

Кўксимдаги гуллар, алвидо!  
Нолаларим Тангримга борсин.  
Икки дунё сиз мен деб куйинг,  
Сочларингиз мен деб окарсин.

2001 йил

## Видо

...Ва нихоят кўнглимни уздим,  
Ошиклардек маъюс, дилафгор.  
Сендан келган озорлиғ надур,  
Мен ўзимдан безорман, безор.

Ишққа ташна маъюс қиз эдим,  
Юрагимга нур бўлиб индинг.  
Бу дунёning зулматларида,  
Сен ҳаммадан яхши кўриндинг.

Билмадимки, бу ишқ ўткинчи,  
Билмадимки, сенга етмасман.  
Сени ташлаб кетиб соз қилдим,  
То сен мени ташлаб кетмасдан.

Майли, ёрим сендан гинам йўқ,  
Тақдиримда мангу куз фасли.  
Сен бевафо бўлсанг айб эмас,  
Бу бевафо дунёдир асли.

2001 йил

• • •

Қаҳратондай жон-жонимдан ўтдингиз-ку,  
Бахор эдим бошгинамга етдингиз-ку,  
Секин-секин кўнгил узиб кетдингиз-ку,  
Мендан кетмоқликка бирор йўл бўлдими?

Юрагимнинг, эй қадрдон бегонаси,  
Кўзларима кўзларингиз девонаси,  
Сочларимнинг шамолида уйғонасиз,  
Сочим кўмсаф кипригингиз хўл бўлдими?

Тунларимни ёритмаган ёруғ шамим,  
Кўнглингизда кўринмади зарра ғамим.  
Бекасамдан тўнлар кийган бекасамим,  
Үнг деб юрган йўлларимиз сўл бўлдими?

Кўксингизга ишқдан тумор таққан эдим,  
Кўзингизга олов бўлиб боқкан эдим,  
Кўнглингизда гур-гур ўтлар ёқкан эдим,  
Биз ёқкан ул ўтлар бугун кул бўлдими?

Гулларингиз хазон бўлди, бўзладингиз,  
Қайси гулнинг пойларида тиэладингиз?  
Гулзор кезиб қандок гулни изладингиз?  
Ўзга гуллар Гулжамолдай гул бўлдими?  
Гулжамолдай гулистон ҳам чўл бўлдими?

Юрагимнинг, эй қадрдон бегонаси.

2002 йил

## Арзи хол

Гулдан бино бўлгандим,  
Гилдан бино бўлгандим,  
Дилдан бино бўлгандим,  
Нега севмайсан мени?

Кошим қаро эмасми?  
Бағрим яро эмасми?  
Дил ишк аро эмасми?  
Нега севмайсан мени?

Ғамдан уй қилиб олдим,  
Даррдан куй қилиб олдим,  
Гулдан бўй қилиб олдим,  
Нега севмайсан мени?

Гулзорларнинг накшиман,  
Бўғзи куйган баҳшиман,  
Хурларданам яхшиман,  
Нега севмайсан мени?

Ойдек пойлоқчиман-ку,  
Жонингга соқчиман-ку,  
Сен деб ўлмоқчиман-ку,  
Нега севмайсан мени?

Гуллар ухлар қўйнингда,  
Тушингда ҳам ўнгингда,  
Гуноҳ колар бўйнингда,  
Нега севмайсан мени?

Бошимда ридосан-ку,  
Кўксимда нидосан-ку,  
Сен ахир...Худосанми?  
Нега севмайсан мени?

2001 йил

## Ўзим

Қачон сизни севмадим, қачон соғинмадим дил,  
Қачон чашмингизга мен абрў найсондек тўлдим.  
Садолар бермагайсиз, чорлаб соғинмагайсиз,  
Ўзим яратган ишқнинг ўзим садоси бўлдим.

Келар манзилингиз дил, кетмоққа изн йўқдир,  
Дилдан кетиб дилдорга етмоққа изн йўқдир.  
О, нечун қалбингизда япроқча изим йўқдир,  
Ўзим яратган ишқнинг ўзим адоси бўлдим.

Сизни кўрдим. Оловни кўрган парвонадайман,  
Азал девона эдим, баттар девонадайман,  
Жону кўнглим боғлиқ-ку, нега бегона дайман,  
Ўзим яратган ишқнинг ўзим хатоси бўлдим.

Сиздан тиландим бунча кўзингиздан ҳайдангиз,  
Хокданда хор хазонман, кузингиздан ҳайдангиз,  
Изингиздан хайдаманг, ўзингиздан ҳайдангиз,  
Ўзим яратган ишқнинг ўзим гадоси бўлдим,

Ўзим хатоси бўлдим,  
Ўзим адоси бўлдим,  
Ўзим гадоси бўлдим.

1998 йил

## Изхор

Иzlарингга тўкилдими,  
Маржон-маржон ёшим маним.  
Остонангга қўйилдими,  
Шундок азиз бошим маним?

Бир борарда юз борорим,  
Юз борарда бир кўрорим.  
Тупрок бўлсам сани топгай,  
Лабим, кўзим, кошим маним.

Эй дийдорсиз, эй бедорлиғ,  
Бу на хорлиғ, на абгорлиғ.  
Хажрларинг келган сари,  
Кетди сабр-бардошим маним.

Эй маҳшарим, ёрижоним,  
Бу дунёим, у дунёим.  
Кайда ўлсанг, шунда ўлгум,  
Сенсан... қабрдошим маним.

1998 йил

• • •

Томиримда гул оқади, гул оқали,  
Бу гулларга қўшилибон дил оқади,  
Мен яшириб овворалар бўлиб юрсам,  
Кўзларингиз кўзларимда чўғ ёқади.

Сиз деб олов кечганларим бекор бўлди,  
Бекорликда юракларим бемор бўлди.  
Мен сизни деб жаҳонимдан кечган эдим,  
Бугун сизга ўзга ёрлар дилдор бўлли.

Кўксимдаги оловларни ўчиринг ёр,  
Кейин яна ишқ оловин ичиринг ёр,  
Биламанки, мени Худо кечирмайди,  
Хеч бўлмаса Сиз ўзингиз кечиринг ёр.

Ишқ бобида хато айтсак ярашмайди,  
Хуш чофимиз нидо айтсак ярашмайди,  
Хайр деманг, айрилмоққа қўзим қиймас,  
Баҳорларда видо айтсак ярашмайди.

Ишқингизда ҳамон ширин жоним куйгай,  
Сизни кўрсам томирдаги қоним куйгай,  
Ўзга билан ишқ қасрин қурган сарингиз,  
Маним уйим, борим, хонумоним куйгай.

Томиримда гул оқади, гул оқади.

2002 йил

## Мунчокларим

Бир кун мунчокларим тўкилиб кетди,  
Улар садо берди: «Борми керагим?»  
Бошни маъюс эгиб териб олдингиз,  
Жоним, бошингизни келди силагим.

Аммо қўлим кани? Фурурга банди,  
Йиллар юрак-бағрим кетдилар тилиб.  
Қанийди шу дамда мунчокларимдек,  
Юрак-бағирларим кетса ситилиб.

О, нега кетдингиз, бешафқат, берух.  
Хажрга тўлдириб қарокларимни.  
Мана, бугун ҳеч ким териб бермади,  
Жонимдан тўкилган титрокларимни.

О, нега кетдингиз бешафқат, берух?...

1997 йил

## Ошиқ хаёли

Мен дунёни ишқим билан забт этсайдим,  
Ошикларнинг оёқ гардига етсайдим.  
Дунёсига хайр-хушлар айтиб кейин,  
Тупроқ билан ошно бўлгали кетсайдим.

Тахтим баланд бўлса шоҳлар тахтидан ҳам,  
Бахтим гўзал бўлса ҳурлар бахтидан ҳам.  
Ишқ шаҳрида маликалик тожин кийиб,  
Ёр бағрига ойдай тўлгали кетсайдим.

Недин ахир руҳимдаги ҳавотирлар,  
Сиз кайдасиз эртакдаги баҳодирлар?  
Неча йилки, дунё дилим маъюс килди,  
Энди бахтдан хушнуд кулгали кетсайдим.

Гулман дедим, ёр, бағрингда яшнатмадинг,  
Бир лахза ҳам ободликда яшатмадинг.

Сенинг азиз дийдорингни кўрарман деб,  
Остонангда гулдай сўлгали кетсайдим.

Бир бор тўлса кўзларимга у коматлар,  
Кейин майли бўлиб кетса қиёматлар.  
Не бўлса ҳам ёр, кўксинга бошим қўйиб,  
Васлин кўриб, сархуш ўлгали кетсайдим,  
Ёр бағрига ойдай тўлгали кетсайдим.

2002 йил

• • •

Севги изҳорларин тингладим гарчи,  
Гарчи кўп бора мен ишқ майин ичдим.  
Тиф билан кўксимни ярадор айлаб,  
Не-не ҳаловатлар баҳридан кечдим.  
Бирок... Сароб бўлди барча хисларим,  
Қандай севган бўлсам, ўшандай тондим,  
Сен мени кечиргил, юрак, мустарим,  
Бир лаҳза бўлса ҳам ёндим-ку, ёндим.  
Мана кўлимдадир бетафт хотира,  
Ва мана кўксимда ишқ куқунлари,  
Мени бир кун катл айласа керак,  
Бекарор, бесадр беишқ кунларим.  
Севги изҳорларин тингладим гарчи,  
Гарчи севмоқ эди қалб фалсафаси.  
Севмайман, севмайман, севмайман дедим,  
Димоғимга келди... ўлим нафаси.

2000 йил

## Мактуб

Ўларимда келоласизми,  
Хат жўнатсан япроқ кафтида?  
Энг сўнгги бор уйғонасизми,  
Юрагимнинг қайноқ тафтида?

Бирга олиб кетоласизми,  
Атиргулдек маъюс жиссимини,  
Энг сунгги бор ҳазин пичирлаб,  
Айтасизми менинг исмимни?

Киёматда суякларимни,  
Йигиб келса агар Худойим,  
Ўша куни лабим пичирлар,  
Сизга бўлар менинг дуойим.

Омон бўлинг киёматгача,  
Юрагимни ёқмоқда видо.  
Унутсангиз агар исмимни  
Мени сизга эслатар Худо.

1998 йил

\* \* \*

Дил-о, кетдик, энди дилга кетармиз,  
Тўкилдим энг шаффоф титроқларимда.  
Тонгинг этагида унган лоладек,  
Севги униб чиқар тупрокларимдан.

Мен энди кетмасам бўлмайди, дунё,  
Хиёнат ичидай йиғлар йўлларим.  
Ўзимнинг ёқамни тутиб кетмоқда,  
Бир нозик севгини бўрган қўлларим.

Мен энди кетмасам бўлмайди, дунё,  
Йўқ, энди кайтмасман махрум хаёлга.  
Хар тун қалбингизни ваъда этасиз,  
Мендан баҳтириғу баҳтсиз аёлга.

Нега кета туриб севги сўрадим,  
Қаранг ишқимиздай алвон кўйлагим.  
Қачон кўксингизга бориб санчилар  
Ханжарга айланиб қолган юрагим?...

1998 йил

• • •

Нетай ёрим гул билан гул топишмади,  
Тақдир экан: йўл билан йўл топишмади,  
Азал шундок: ўнг сўл билан топишмайди,  
Мендан кўнгил узган ёрим омон бўлинг.

Айвонингиз пештоқига қўниб ўтдик,  
Биз шам эдик, Сиз деб ёниб-сўниб ўтдик,  
Неки жафо айладингиз қўниб ўтдик,  
Мендан кўнгил узган ёрим омон бўлинг.

Бирга бўлсак баҳтимиз бир қулармиди?  
Мени эслаб юрагингиз тўлармиди?  
Ахир сиздан кўнгил узиб бўлармиди?  
Мендан кўнгил узган ёрим омон бўлинг.

Сиз жонимга харидорсиз накдингиз йўқ,  
Ёнимга бир келмоқликка шахдингиз йўқ,  
Айтиб қўяй, менсиз сизнинг баҳтингиз йўқ,  
Мендан кўнгил узган ёрим омон бўлинг.

Лабларимда гул терсам ҳам парво қилманг,  
Пешонамга мушт урсам ҳам парво қилманг,  
Йўлингизда жон берсам ҳам парво қилманг,  
Мендан кўнгил узган ёрим омон бўлинг.

Биздан кечиб топганингиз хуш бўлдилар,  
Мен-ла кечган кунларингиз туш бўлдилар.  
Хайр энди, кирқ жоним кирк куш бўлдилар,  
Мендан кўнгил узган ёрим омон бўлинг.

2002 йил

• • •

Ишқи жонимдан ўтганинг ҳажри жонимдан ўтмасми?  
Ҳажри жонимдан ўтганинг васли ёнимдан ўтмасми?  
Нечун бу айриликлар деб манга илдаолар қилманг,  
Ишқи комимга етганлар, ҳажр тўғонимдан ўтмасми?  
Сизга ёрлиғ ўлди васлим ва лек қадр этмадингиз,

Ишонч ёрлиғим олғанлар, хеч гумоннімдан ўтmasmi?  
Үзга барно, үзга дилдор қалбингизни макон этмиш,  
Ул ўқ сұяқ қадар етмиш, гирибонимдан ўтmasmi?  
Сизни гулдай гүзәл қыздар гулистонларга чорлайдур,  
Куз аталмис фотих фасл, гулистонимдан ўтmasmi?  
Жону жаҳонимсиз менинг, давру давронимсиз менинг,  
Мендеқ гулдан ўтган даврон ўшал хонимдан ўтmasmi?  
Неки бўлсам ишқда бўлдим, бунёд ўлдим, барбод ўлдим,  
Бу ободлиғ, бу барбодлиғ хонумонимдан ўтmasmi?

2000 йил

## Иқрор

Қошларингиз камонида ўлсам керак,  
Васлингизнинг хижронида ўлсам керак,  
Анов кўзлар кўзингизни кўзлаётир,  
Ишқингизнинг гумонида ўлсам керак.

Пойингизда чаман бўлгим келаётир,  
Ишқингизда туман бўлгим келаётир,  
Бу дилдорлар, бу дийдорлар унут бўлгай,  
Кўзингизга кўз ёшдайин тўлсам керак.

Қўлим билан хушлашади кўлларингиз,  
Гуллар билан туташади йўлларингиз,  
Шу гулларнинг хазонини кўриб бир-бир,  
Кузимгача етиб... Кейин сўлсам керак.

Силкитмангиз, пойларига тўкилмасман,  
Ишқингизни чоки маҳкам сўкилмасман,  
Гарчи сарик хазондирман унутилган,  
Боғингизга гуллар сочиб кулсам керак.

Кузатаман, дилгир бўлиб куймоқдасиз,  
Сиз билмайсиз, кўзларимни сўймоқдасиз,  
Факат менда яшнагайдир кўзларингиз,  
Мен, барибир баҳорингиз бўлсам керак.

Ишқингизни осмонида ўлсам керак...

1997 йил

## Сарик гуллар

Биздан ўтди. Барига узр!  
Хажрингизга тўлди қароғим.  
Мен яшил ишқ кутгандим сиздан,  
Хайр энди сарик япроғим!

Мени нега умидвор этди,  
Кўзларингиз меҳр-ла кулиб.  
Айтинг, қачон тўкилиб кетдим,  
Кўнглингизнинг япроғи бўлиб.

Ишқимизга қачон етди куз,  
Қаҳратоннинг совук кўлидай.  
Мени эслаб қон-қон йиғлайсиз,  
Юрагимнинг атиргулидай.

«Кетманг» десам тулдай ёлвориб,  
Хазонга ўт ташлаб кетгувчим.  
Йигирмамнинг баҳорларида,  
Менга кузлар ҳадя этгувчим.

Айрилиқнинг рангидаги кўнглим!  
Маҳзун яна ёмғирлар сингтан.  
Ўлганимда сарик гуллармас,  
Қизил гуллар келтиринг менга.

Тамом!  
Энди меҳр кутмасман!  
Сиз ҳам бир гул ишқнинг кафтида.  
Учрашамиз ташлаб кетилган  
Сарик гуллар мамлакатида.

1997 йил

## Турналар йўли

Нега беун, бесас бу севги,  
Видосига ўхшаб кузларнинг.  
Ёки айтинг, ёки тарк этинг,  
Оташида колдим кўзларнинг.

Бир ёруғлик кутаётирман,  
Ёниб адo бўлаётган кундан.

Тангрим, менга ҳикмат топиб бер,  
Ҳикматлари беҳикмат дундан.

Боғингиздан ўтаётир куз,  
Жондан ўтгандай хижронингиз.  
Кўзларингиз, кўнглингиз менда,  
Нега энди анда жонингиз.

Мен кўнглимни ўзим узарман,  
Умидсизлик қўллари билан.  
Айтинг, сизга бориб бўларми?  
Турналарнинг йўллари билан.

...Ана кўнглим пойингга тушди,  
Япроқлари узилган бир гул.  
Тангрим!  
Кетай менга топиб бер,  
Турналарнинг йўлидай бир йўл.

1997 йил

### Қаровсиз ишқ

Сиз мен учун гул узмагансиз,  
Юрагимдек йиғлайди йўллар.  
Кўлингизда турибди гўзал,  
Барноларга аталган гуллар.

Кўшиб сотинг ўша гулларга,  
Менинг каби ишқи арzonни.  
Бағрингизга босиб йиғланг сўнг,  
Севгимииздан қолган хазонни.

Қаровсиз ишқ – куриган гулдир,  
Сиз гулларнинг бўйларидан маст.  
Ахир мени ёккан севгингиз,  
Шу бир гулнинг умричаликмас.

Битта умрим аро мингта ишқ,  
Қай бирига жонимни берай?  
Минг хил гул бор гулзорингизда,  
Шу гуллардан биттаси бўлай.

Жоним, ахир гуллар сўлади,  
Ким қолади айролигига?  
Сизни кандок ташлаб кетарман,  
Бу гулларнинг барнолигига?

Кўлингида қиличми хажр,  
Гул-гул ёниб, гулзорлар кезинг.  
Мен сизни деб кўнглимни уздим,  
Сиз мен учун битта гул узинг.

1997 йил

### Хазончехра

Кўнглингизни тополмадим мен,  
Кўнглингизни топади кизлар.  
Йўлбарслардек ёмон яшайсиз...  
Пойингизда янчилар гуллар.

Исларин айтасиз такрор,  
Нилуфаргул... Дилбар... Барногул...  
Пойингизда тўкилаверар,  
Ҳар исмдан қон бўлган кўнгил.

Юрагингиз гулдон бўлади,  
Алвон-алвон гулларга тўлиб.  
Сарғаяман... илдизларимдан,  
Мен гулларнинг жамоли бўлиб.

...Ва шундай жим яшашим керак!  
Севилмоқнинг келгунча гали.  
Сиз бемалол сархуш яшайсиз,  
Бу дунёда гуллар кўп хали.

Факат билинг, иноятиман,  
Оlamларни берган оламнинг!  
Хазончехра бекаси бўлдим,  
Гуллар хидлаб ўлган одамнинг!

Кизил гуллар маст қилган гарчи,  
Улар севмас юрагингизни.  
Мен оқ гулман! Энг сўнгти дамда,  
Битта оқ гул кўмади сизни.

1997 йил

• • •

Харгиз исмимни айтмайсиз, сүзингизга сиғарманми?  
Дилингизга сиғмадимку күзингизга сиғарманми?  
Бу дийдорсиз дунёсида дийдорталаб девонаман,  
Манам битта сарық хазон кузингизга сиғарманми?

Чорланмаган дунёнгизга қандок бўлсан бориб бўлгай,  
Рухимнинг оққушларида оппок бўлсан бориб бўлгай,  
Қарочиқлар диёринда мусофиридек маъюс ўлдим,  
Кўзингизнинг каросига тупрок бўлсан бориб бўлгай.

Дил берганлар хор бўлади, тил билганлар диёринда,  
Гул берганлар кул олади, йўл билганлар диёринда.  
Маъюс ўлдим, мустар ўлдим, анда жоним, бунда жоним,  
Севилмаган кун кўрарми, севилганлар диёринда...

Кетаримда бир келингиз дил дилга ҳамдамлик қиласар,  
Худо бор-ку... Иккимизни оловдайин жамлик қиласар,  
Кўзларимни юмаяпман... тезроқ келинг... тезроқ келинг.  
Дийдорингиз бир кўрмоққа балки умрим камлик қиласар.  
Манам битта сарық хазон кўнглингизга сиғарманми?

1997 йил

• • •

Умри давонимда нега адашдинг,  
Кўнгил айвонимда нега адашдинг,  
Жонимдек бевафо чиқдинг-а охир,  
Бўғзу тавонимда нега адашдинг.

Парвонаман нетай жоним шамдадир,  
Сандан айрилмоғим ҳар бир дамдадир.  
Тангрим на балолиғ қисматга қўйдинг,  
Ўзи дилдордаю ишқи мандадур.

У бир гул, қўлимни теккизсан бўлмас,  
Йўлига йўлимни еткизсан бўлмас,  
Гарчи Гулжамолман, гулзодадурман,  
Гулига гулимни теккизсан бўлмас.

Шундай бир ишқ бердинг, йўлим колдирмас,  
Битталаб сарғайтар гулим қолдирмас.  
Шундайин ишқ бердинг, шундай ёндирап,  
Хатточи бир сиким қулим қолдирмас.

Ўзи дилдордаю ишқи мандадур...

1997 йил

• • •

Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик,  
Энг гўзал, энг оппоқ тонгдан кечгулик.  
Тўртта томонингни қибла этса ҳам,  
«Бор-эй» деб шу тўртта ёндан кечгулик,  
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик.

Арзиса кўзингда ёшларингача,  
Сигинса кўксингда тошларингача,  
Кўзларинг минг нафрат ҳадя этса ҳам,  
Севолса кипригу қошлиарингача,  
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик.

Куйдириб, куйиб ҳам кулса үзингга,  
Титрамай титроклар солса тизингга,  
Ўзидан ўзганинг васлин кўрсатмай,  
Иккита пичок санчиб кетса кўзингга,  
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик.

Бир умр ишқига жонни қоргудек,  
Зарра хижрони ҳам юрак ёргудек,  
«Кел» деса стмишта томиринг ўзиб,  
Хаёлдан ҳам олдин ўзинг боргудек,  
Бир ёр топсак эдик жондан кечгулик.  
«Бор-эй» деб шу тўртта ёндан кечгулик.

1996 йил

## Күзги гул

Нодўст чиқди бизга бу дунё,  
Ё кеч келдик, ё эрта келдик.  
Күзги гулшан гуллари каби  
Кеч гулладик, эрта экилдик.

Сарик гулдек ишқдан бебахра,  
Ёндим рўзи шабларим билан.  
Кучоғингиз гулга тўлсин деб,  
Мен гул уздим лабларим билан.

Сиз куласиз. Лабларингиздан  
Гул тўқилар, боллар томади.  
Менинг эса қўзларимдан ёш,  
Лабларимдан... қонлар томади...

1997 йил

## Хавотир

Энди бахтли бўлармиканмиз?  
Дилда яна қайғулар, ғамлар.  
Энди бахтга кечиккандаймиз,  
Сўнгандайин биз ёккан шамлар.

Биз деб куйган фасллар ўтди,  
Ўтди бизни ўпган саболар.  
Тарк этгандек ишқ шивирлари,  
Дилда тағин ғамгин наволар.

Бир пайлар, эй ошиқ йигит,  
Айтар эдинг:  
— Ҳаётимга кир!  
Олдда мени кутяпти бахт деб,  
Сени ташлаб кетгандим, кечир!

Жуда бахтли бўлгим келяпти,  
Кўзимдан ёш қуйилар кулсам.  
Нима гуноҳ ахир менда ҳам,  
Саробларга ишонган бўлсам.

Бугун шундок бир ғарип ҳолман,  
Юрак тұла қайғудай, охдай.  
Не киларим билмайин лолман,  
Олтинглар мис чиққан шоҳдай.

2000 йыл

• • •

Ахир нега англамаяпсиз,  
Дүнёлар кетсалар қайтади бир күн,  
Дарёлар кетса хам қайтади бир күн,  
Аммо маним күнглим қайтмайди.  
Күзларимни юмсам кета олмайсиз,  
Күзларимни очиб демасман: «Қайтинг».  
Фурбатлар безаган дүнёларинда  
Мени хам соғиниш мумкинми, айтинг?!

Күзим каро эди айриликтан хам  
Манглайдай қародир менинг хорлигим.  
Худойимнинг кенг бу оламларида,  
Сизга малолмасми менинг борлигим?  
Ва яна ҳеч қачон қайтмаслигим хам.

1998 йыл

## Шафқат фасли

О, шафқатга ўрин ийік бунда,  
Күнгил учун келиб-кетасиз.  
Бор борлигим ишқ сүраса хам,  
Шафқат қилиб севманг мени сиз!

Үн саккизда севганларим рост,  
Сизга бошим қылғанларим хам.  
Аммо ўйланг севармиканман,  
Сизни ёниб ўттиз бещда хам?

Мен ишқ кутдим, илтифот әмас,  
Гулым ювдим сүңг қоним билан.

Энди сизни чорларми坎ман,  
Кирк ёшимда кирк жоним билан?

Хамма нарса нисбий оламда,  
Хазон ахир факат куздами?  
Сиз нега жим? Дил берган мен-ку,  
Кирк бешда хам күнглим сиздами?

Эллигимда эллик тола соч,  
Оқ кийиниб ўланлар айтар.  
Сиз хайкириб сўрайсиз шу дам:  
«Ўн саккизни бир марта қайтар».

Йўқ, дейман мен. Отилар юрак,  
Шафқат. Алдов. Кўнгил тўлмайди.  
Ахир битта шафқатингизни,  
Олтмишгача севиб бўлмайди!!!  
Хеч шафкатга ўрин йўқ бунда.

1996 йил

### Чорлов фасли

Ўн етти бор бўлдим бесадр,  
Барчасини саодат билдим.  
Ўн етти бор ҳакоратланган,  
Юрагимда ибодат қилдим.

Ўн етти йил кун кўрмай юрак,  
Мухаббатни тиланиб ётди.  
Бир мўъжиза юз берди ногоҳ,  
Ўн саккизнинг тонглари отди.

Энди яшай бошлайман гулдек,  
Бошланади энди баҳорим.  
Ҳижронларга васлингиз арzon,  
Наҳот бизга висол йўқ, ёrim?

Энди сизни чорлайман. Келинг.  
Гарчи сиздан кадр кўрмайман.

Қалбингизга кираман минг бор,  
Үн саккизга қайтиб кирмайман!  
Келинг!!!

1996 йил

### Видо фасли

Бир исмни пи chirлар маъюс,  
Ёмғирларда чўмилаётган лаб.  
Бораяпман гул баҳоримда  
Ўн саккизта гулни кучоқлаб.

Менга қаро кошларингизда  
Саланглатинг ўн саккизта дор.  
Ўн саккизта атиргулимга  
Ким бўларкин, ким-эй, харидор.

Ахир бағрим кон бўлиб кетди,  
Титради кўк оҳимдан менинг.  
Қўлларига тиканлар ботиб,  
Ким узаркин боғимдан мени?

Ким бўлсанг ҳам озорланма, бас,  
Гуликахкаҳ қаби куларман.  
Бир гулимни узганинг ҳакки,  
Юз гулимни фидо киларман.

Қара, ҳануз ишққа ташнаман,  
Сен деб кезгум олов йўлларни.  
Ва пойингта сочиб ўларман  
Кўксимдаги атиргулларни.

1996 йил



**ЮРАГИМ  
ТОМОНЛАРДА**



## **Муножот**

Кулаб тушмас том учун шукр,  
Кундуз учун, шом учун шукр,  
Бир кун тўлар жом учун шукр,  
Тангрим, кечир, гуноҳларим бор.

Яшнармидим меҳринг бўлмаса,  
Сир тоғмасдим сехринг бўлмаса,  
Қўл урмадим муҳринг бўлмаса,  
Парилардан гувоҳларим бор.

Айтдинг: «Сувдек пайимда оқкил,  
Олов бўлиб сувларни ёқкил»,  
Кўзим, кўнглим, рухимга боқкил,  
Сендан хар дам огоҳларим бор.

Нажот борми исминг айтмасам,  
Сендан келиб, сенга қайтмасам,  
Қасам, қасам ўзингга қасам,  
Сенга айтар дил охларим бор.

Хар кадамда хатолар қилдим,  
Сен шунда ҳам атолар қилдинг,  
Хар тонг, хар тун англадим, билдинг,  
Тушиб чикар жар-чоҳларим бор.

Ўшал сирли дунёни кўрсат,  
Ошиқманку, зиёни кўрсат,  
Менга Тури Синони кўрсат,  
Асо, жанда, кулоҳларим бор.

Не наф мудом алам чекмоқдин,  
Дил синдириб, дараҳт экмоқдин,  
Бир зум тинмам сени севмоқдин,  
Кўксимда ишқ булоқларим бор.

Тангрим, кечир, гуноҳларим бор.

*2006 йил Рамазон ойи*

## Исён ва итоат

Тиф устида юрдириб, томоша килар Тангрим,  
Чүф устида турдириб, томоша қилар Тангрим.  
Тошқинда бир кемадек ночор кетиб борарман,  
Мен хеч нарса билмайман, барини билар Тангрим.

Олдга юрсам хатар бор, ортта юрсам хатар бор,  
Хар лаҳза, хар сафару хар тун, хар сахар бор.  
Бир чумоли мисоли дон учун чиқкан эдим,  
Донни не қиладиу, мени не қилар Тангрим.

Хақсизлик учун ёндим, шавқ учун исён қилдим.  
Хаққимни бер дедиму Хақ учун исён қилдим.  
Бошимни хар ён урдим, бош ёрилгач англадим,  
Пойига қўйсамгина бошимни силар Тангрим.

Сабрим етарми билмам, сабримни синайверса,  
Хар бир синаганида суягим синайверса,  
Синиб-синиб охири ўзинг бутла деб борсам,  
Суягимни ун қилиб, элакда элар Тангрим.

Майли не бўлса ҳамки, ёруғ юз билан етай,  
Дил тўла меҳр билан, ёшли кўз билан етай,  
Юрагимни тўлдирап битта таскин бор фақат,  
Мен Тангримга борарман, мен томон келар Тангрим.

2006 йил

## Яхшиси

Гарчи такдир экан, мен не ғам қилай,  
Яхшиси бошимда ғамни кам килай,  
Эй дўст, тунларингни ёритмок учун,  
Шу икки кўзимни ёниқ шам қилай.

Нега исён қилай, исёндин наф йўқ.  
Билдим дарахтлардек биродар саф йўқ,  
Такдири кул бўлмок хатто оловнинг,  
Менам тик бошимни эгик, ҳам қилай.

Одамни иймону дил күтқарармиш,  
Худо карам қылса, қыл күтқарармиш.  
Яхиси каъбамни обод айлай ва  
Жисмимни, жонимни бирга жам қилай.

Байрам қилолмади отам умрини,  
Хуррам қилолмади онам кўнглини.  
Эй дўст, ўшаларнинг ҳаққи, хурмати,  
Мен бутун умримни тўй, байрам қилай.

Оlamни севдиму олам бўлмадим,  
Ором топаман деб ором билмадим.  
Ўзимнинг дастимдан одам бўлмадим,  
Яхиси ўзимни мен одам қилай.

2006 йил Рамазон ойи

## Йўқ

Салом-алигим йўқ бойлик, баҳт билан,  
Кувонч саройида танишим ҳам йўқ.  
Мен ғамнинг юртида малика дурман,  
Менга буйсунмаган бирорта ғам йўқ.

Омадга хушомад қила билмайман,  
Йўқ жойдан даромад қила билмайман,  
Худонинг пойида юриб тинмайман,  
Шунданми, шукрким баҳтимда кам йўқ.

Юлдуз ёнар мен деб дил осмонида,  
Мен деб олов ёнар йигит жонида,  
Бу гўзал дунёниг қаҳқашонида,  
Мен учун ёнмаган бирорта шам йўқ.

Кўнглим-ла ўйнашар дунёи айёр,  
Бир ёруғ нур излаб кўзларим сайёр,  
Ғамни улашарда минг дастёр тайёр,  
Шодлик улашарда дўсти хотам йўқ.

Худойим йўлимни ёритиб қўйган  
Бир гўзал дардини доритиб қўйган,

Баъзан азиз баъзан хор этиб қўйган,  
Шунданми ёнимда содик одам йўқ.

Хар неки Худодан атолиғ бўлди,  
Бу умрим қурбонлиқ, фидолиғ бўлди,  
Қайга оёқ боссам хатолиғ бўлди,  
Мени адаштирмас бирор қадам йўқ.

Кимга қўнгил қўйсан хоки пойиман.  
Тоғдан тушиб келган сувлар сойиман,  
Шундок, Яратганинг эркатойиман,  
Мени ёд этмаган бирор дам йўқ.

2006 йил

## Сўров

Ҳайкирсан ҳам етмайди сенга,  
Йиғласам ҳам турибсан-ку жим.  
Бир назар ҳам солмадинг менга,  
Ким устимдан арз қилди Тангрим?

Ёмонларни яшнатдинг дедим,  
Нокасга ош ошлатдинг дедим.  
Мени кечир, исёним ўчир,  
Кўзларимга ёш келди Тангрим.

Дард айтсан жон дўстим билмади,  
Канча ўсдим, тўздим билмади,  
Азоблару гуноҳларимни,  
Сендан бошқа ким билди Тангрим?

Исёnlарим қўпти қонимда,  
Киёматлар бўлди жонимда,  
Хар нарсани билгувчи сенсан,  
Айтгил менга не бўлди Тангрим?

2006 йил Рамазон ойи

\* \* \*

Мен дунёга келдиму матлабимни билмадим.  
Бу умр дарёсидан бир ҳатладимми билмадим,  
Дунёсидан кулдимми ё додладимми билмадим,  
Тобора суюнчсизман, тобора ёлғиздирман.

Гарчанд кўпаймокдадир ёнимда дўст — душманим,  
Улар қайдан биларлар не чохларга тушганим,  
Билдимки яшаганим — болга заҳар қўшганим,  
Тобора суюнчсизман, тобора ёлғиздирман.

Куёшга бегонаман, чироққа ошнодайман,  
Қувончга ўгайдайману фироққа ошнодайман,  
Нечун ахир тобора тупрокка ошнодайман,  
Тобора суюнчсизман, тобора ёлғиздирман.

Азизларим бу йўлнинг чапига ўтиб олган,  
Улар хур — париларнинг сафига ўтиб олган,  
Барча ғамим кўксимнинг кафтига ўтиб олган,  
Тобора суюнчсизман, тобора ёлғиздирман.

Кундан кун чўкиб борар баланд-баланд тоғларим,  
Кундан кун кўпаймокда юракдаги доғларим,  
Наҳотки мен шамолга харир аркон боғладим,  
Тобора суюнчсизман, тобора ёлғиздирман.

Ҳаётнинг исми гарчанд жон бағишлар наводир,  
Балки эртанги куним бир жаннатий сафодир,  
Лекин нечун рухимда кезмоқда бир ҳавотир,  
Тобора суюнчсизман, тобора ёлғиздирман.

Бу ғамангиз йўлларда мустар кетиб борарман,  
Дараҳтларнинг ёнидан маюс ўтиб борарман,  
Худойимнинг қошига қачон етиб борарман,  
Тобора суюнчсизман, тобора ёлғиздирман.

2004 йил

## Йиллардирки

Йиллардирки рангим заъфарон,  
Кўксимдаги армон туфайли.  
На осмонга, на ерга сиғдим,  
Рухимдаги исён туфайли.

Хар кимларга қуллик қилмадим,  
Эгилмадим, қуллук қилмадим,  
Балки шундан хорман билмадим,  
Ўтар давру даврон туфайли.

Шу элга ҳам қуёш куларму,  
Кўчасига куйлар тўларму,  
Сарбонни айбласа бўларму,  
Йўл йўқотган карвон туфайли.

Ким шод бўлди, ким ношод бўлди,  
Ким ёдда, ким етти ёт бўлди.  
Дунё барбод ва обод бўлди,  
Нух келтирган тўфон туфайли.

Чўғлар узра чўғга ботурман,  
Йўл узок деб йиғлаётирман,  
Пойтахтга ҳам сиғмаётирман,  
Ўша Каттақўғон туфайли.

Бу дунё бир вайрона асли,  
Хушёри йўқ майхона асли.  
Хонумоним вайронлар бўлди,  
Шу бир хонавайрон туфайли.

Йиллардирки...

2006 йил

## Энди

Қаро соchlар *окариб* борар,  
Жисму жоним *о, қариб* борар.  
Борган сари умрим рангida,  
Қаро ортар *ок ариб* борар.

Шеъrim махзун, куйларим махзун,  
Кўзларимда ишқ деган афсун,  
Борган сари фамларим узун,  
Нафасларим қискариб борар.

Менга гулдек ёшлигин бериб,  
Худо ёққан шам каби эриб,  
Юрагининг синигин териб,  
Онам бехол, жим, хориб борар.

Кўрдим. Инди юракларимга,  
Бир ўқ сингди куракларимга,  
Туғилдимки суякларимга,  
Давоси йўқ дард дориб борар.

Ўтди айём, давру давронлар,  
Масту бехуд, сайру сайронлар,  
Ошиқ бўлдим, энди ёронлар,  
Кайга борсам ишқ олиб борар.

2006 йил

## Эй Худойим!

Майсаларнинг иши йўқми илдиз билан?  
Осмоннинг ҳеч иши йўқми юлдуз билан?  
Эй Худойим, мени нега унугтсансан,  
Ёлғизнинг ҳеч иши йўқми ёлғиз билан?

Мени сев, деб бўйларида ўлтирибман,  
Телба бўлиб кўйларида ўлтирибман.  
Ташнасига бир қултум сув бермайди у,  
Ариқнинг ҳеч иши йўқми ялпиз билан?

Уни севдим, томирга қон сигмай севдим,  
Уни севдим, жиссимга жон сигмай севдим.  
Эй Худойим, бунча оздир унинг ишқи,  
Жилғаларни тенглаштирма денгиз билан.

Үн беши тун, ўн беш кунинг ёруғ бўлар,  
Айтдиларки:  
— Энди дардинг фориғ бўлар.  
Ўн бешидан ўн беш минги ўтиб кетди,  
Кўзларим хеч учрашмади кундуз билан.

Фариб дунё фариб шонин қизғонади,  
Қизғанч дунё бурда нонин қизғонади.  
Эй Худойим, дунёнгга айтиб қўйгил  
Мехмонман-ку, сийласин-да нон-туз билан.

Куйлаб-куйлаб юрагимни яро қилдим,  
Яшаб-яшаб юзларимни қаро қилдим,  
Эй Худойим, бош кўтармай кетарман мен,  
Ахир сенга юзлашарман қай юз билан?

Майсаларнинг иши йўқми илдиз билан?  
Осмоннинг хеч иши йўқми юлдуз билан?  
Эй Худойим, наҳот мени унутгансан,  
Ёлғизнинг хеч иши йўқми ёлғиз билан?

2002 йил

## Мен

Менинг онам жасорат азал,  
Менинг отам шиддатдир асли.  
Ёвқур кизман, қасоскор кизман,  
Киличлардан эканми наслим?!

Тўмарисдан мерос орим бор,  
Ғаним бошин конга соларман.  
Мен қасдимни нася колдирмай,  
Нақди-нақди билан оларман.

Жавоби бор қиличларимнинг,  
Гар бошимга Чингиз келса ҳам.  
Сипкораман то сўнгги қадар,  
Ўт келса ҳам, денгиз келса ҳам.

Айтадилар: бу аёл зоти,  
Нафосатта эгиздир хар дам.  
Билмасларки, ўг, олов ичра,  
Хиром айлаб юрибман мен ҳам.

Бўронларим кезади баъзан,  
Юрагимдан парчалар узиб.  
Калбим аро қанча эхтирос,  
Оккушлардек юрибди сузиб.

Мен биламан бу баҳт дегани —  
Ё ҳурлигим, ё зўрлигимдир.  
Назокатим — ўт нигоҳиму,  
Нафосатим — ёвқурлигимдир.

2006 йил ноябр

**Самарқанд.**

**Каттақўргон.**

**Баҳодир Йўлдош.(га)**

Самарқанд осмони тирик мўъжиза,  
Мен юртдан узоқлаб оғритдим жонни.  
Бу кичик қўрғонда зерикдим жуда,  
Кўнгил қўмсаётири Каттақўрғонни.

Буюклар бегона юртники азал,  
Ким ҳам бузарди бу қадим армонни.  
Агар Самарқандга қайтмокчи бўлсак,  
Бирга об кетайлик Хуршид Давронни.

Тошкентга келгандим **пойини тахт** деб,  
Яқинрок бўлайин девдим осмонга.  
Эй сиз, Тошкентдаги буюк қўрғоним,  
Биз качон қайтамиз Каттақўрғонга.

2006 йил

## Сухандон аёл таърифи

*Сухандон Дилором Умаровага*

Замонлар ўзгарди, ўзгармадингиз,  
Умрингиз заигори осмондек маъсум.  
Йиллар ўтса ҳамки мағрур қаддингиз,  
Ўша кўз, ўша кош, ўша табассум.

Армонлар ўзгарди, ўзгармадингиз,  
Йиллар из кувса-да шиддат отида.  
Жим туриб бир сўзни айтдингиз факат:  
«Муҳаббат керакдир аёл зотига.»

Дунёлар ўзгарди, ўзгармадингиз,  
Азалдан асллар айнимас сира.  
Ҳамонки кўзингиз ичиде денгиз,  
Ва ҳамон қалбингиз тонгдек бокира.

Самолар ўзгарди, ўзгармадингиз,  
Ҳануз ишқ сурасин пичирлар юрак.  
Сизга факат меҳр қўймок керак ва  
Олисдан жимгина термулмоқ керак.

Ошиқлар ўзгарди, ўзгармадингиз,  
Айтдилар: тиллолар зангламас сувда.  
Баҳорлар тарқ этиб кетолмас сизни,  
Эй қалблар аршида турган маъбуда.

2005 йил

## Чин дўстимга

Курашмасдан курагимни синдирган дўст,  
Сочимга оқ, кўзимга ғам индирган дўст.  
Бирорларнинг кўзин ёшлаб қўймасангиз,  
Кўзингизни Худо ёшлаб қўярмиди?

Сув дермидим юракларим куймаганда,  
Не килардим суйганларим суймаганда,

Шайтон аввал кўнглим хушлаб қўймаганда,  
Рахмон менинг кўнглим фашлаб қўярмиди?

Хато килдим, хатоларда юрдим бесар,  
Куткармади на бир дўстим, на сийму зар,  
Худойимдан бир ишора бўлмаса гар,  
Бандалари бир иш бошлаб қўярмиди?

Эл ичиди азизлардан азиз билиб,  
Бошгинамни балолардан омон қилиб,  
Ўз ҳиммати турганида келиб-келиб,  
Худо мени Сизга ташлаб қўярмиди?

Курашмасдан курагимни синдириган дўст.

2005 йил

• • •

Дўстим кетди, кайтиб келар деб,  
Умидимдан изладим паноҳ.  
Аллақачон ёдимдан чиқди,  
Уни мендан хайдаган гуноҳ.

Дўстим кетди. Мен ғамгин бўлдим.  
Кўп ийғладим, овундим бир оз.  
Ва ўзимча пичирлаб дедим:  
«У кетмади, у ўлди холос.»

2005 йил

## Самарқанд ва Қўқон

Дунёизга куз келди дўстим,  
Гарчи бутун борликда баҳор.  
Дараҳтларнинг ранги сарғайди,  
Қўқондан то Самарқанд қадар.

Наҳот бизни айирди йиллар,  
Айирмади ўлим ё қадар.

Онамдайин мунғайди йўллар,  
Кўкондан то Самарқанд қадар.

Ўйнаб-ўйнаб борардим кеча,  
Бугун рухим, жисмим, дарбадар.  
Қадамларим йиғлаб борарми,  
Кўкондан то Самарқанд қадар.

Сувга оқди ўн йилим менинг,  
На кўнгилда, на дилда самар.  
Йиғлаб ётар кўзларинг сенинг,  
Кўкондан то Самарқанд қадар.

Майли дўстим, мен ҳам не қиласай,  
Пешонамда шу зеру забар.  
Хайр деган сўз ёзилганми,  
Кўкондан то Самарқанд қадар.

Гарчи кетдинг, хуш бор, омон бўл,  
Йиллар ўтиб сен қайтсанг агар.  
Мен меҳрлар экиб кўйганман,  
Самарқанддан Кўконга қадар.

2005 йил

### Бевафо дўст

Сочимдан тирноғим қадар севилдим,  
Оловдан тупроғим қадар севилдим.  
Бир ёруғ юз излаб дунёлар кездим,  
Эй худо, юзингдек юзни топмадим.

Ҳар ким мухаббатга ҳар йўлдан борар,  
Ким арқондан борар, ким қилдан борар.  
Ишқни ўйин билган йигит кўрдиму,  
Ишқ деб йиғламаган қизни топмадим.

Менам яхши шоир бўламан чоғи,  
Сенга шеър ёзолмай ўламан чоғи.  
Онажон, сен мендан оғринма сира,  
Таърифингга арзир сўзни топмадим.

Тунларим ёнади: Сени бир кўрсам,  
Кунларим ёнади: Сени бир кўрсам.  
Ёрни кўрганида васл завқиндан,  
Юлдуздек порламас кўэни топмадим.

Кеча юрагимга нурдек тўлган дўст,  
Бугун карғаларга ошно бўлган дўст,  
Бағримни минг бора пайпаслаб кўрдим,  
Негадир... негадир... Сизни топмадим.

2003 йил

## Ёлғиз

Бу қандоқ кун, бу қандоқ замон,  
Ўтиб борар умрлар иззиз.  
Шаҳзодалар бозорга кетган,  
Маликалар уйида ёлғиз.

Кўчаларда қашқирлар кезар,  
Бўриларга кун қолган афсус.  
Алпомишлар юрт ошиб кетган,  
Барчинойлар юрибди ёлғиз.

Чақаларга сотилар севги,  
Бунда никоҳ, нигоҳлар хиссиз.  
Юсуфларни пул чалиб кетган,  
Зулайхолар ухлайди ёлғиз.

Марднинг кори мардикорликми?  
Шоирлари қолмишdir сўзсиз.  
Мардлар кетган супурги олиб,  
Ожизалар майдонда ёлғиз.

Ўттиз йилки баҳт кутар қизлар,  
Эҳтирослар, туйғулар эсиз.  
Шаҳзодалар шамолга кетган,  
Маликалар ёлғиздан ёлғиз.

2006 йил

## Амалдорга

Сизга ўз-ўзидан очилар эшик,  
Сизга ўз-ўзидан берилар салом.  
Хатто истасангиз, истамасангиз,  
Сизга ўз-ўзидан келади таом.

Сизни мақтайдилар, олқишлийдилар.  
Ёнингизга қўйиб парқу болишлар.  
Энди шўх куйларга мойилсиз факат,  
Энди кўнглингизга ёқмас нолишлар.

Саллона юрасиз, оролар бериб,  
Пояндозлар солик қадамингизга.  
Бошқалар минг бора чидаб беради,  
Ўзингиз чидамас аламингизга.

Табарруксиз дерлар, даҳосиз дерлар.  
Сиз қиммат, йўқ бебахосиз дерлар.  
Асли сиздайлар кўп бу дунёсида,  
Лек Сизни ягона, танхосиз дерлар.

Ёдингизда йўқдир халқнинг бир гани —  
Яхшимас ер қолиб, осмонда юрмоқ.  
Амал деганлари — бирор келгунча,  
Амал курсисини амаллаб турмоқ.

Қайта унмоғини унутманг бир кун,  
Майсадек топталган, босилганларни.  
Амалдор деб айтар, доно, мушфик эл,  
Амалнинг дорига осилганларни.

2006 йил

## Ҳазил шеър

(Дугонам Шоирага)

Шоир, мендан хафа бўлманг сиз,  
Қамчиламанг жаҳл отини.  
Илҳоми ҳам карзга келган,  
Бу бечора шоир зотини.

Кунга берар, тундан қарз олиб,  
Унга берар, бундан қарз олиб,  
Томга күймай осмонга қўяр,  
Бир газга хам етмас шотини.

Ғам чеккани курса йиғлайди,  
Ҳақни ноҳақ урса йиғлайди,  
Ҳамма келиб шоирга дод дер,  
Шоир кимга айтсин додини.

Гулоб олар илон тилидан,  
Гарчи кўп иш келмас қўлидан,  
Ҳамма асал-шакарни севса,  
У севади заҳар тотини.

Алдаб кўйсанг мукофот билан,  
Шеърлар ёзар садокат билан,  
Юзи кулиб турса хам баъзан,  
Ғамга тўлиб тураг ботини.

Жилғаларни сой қиласар шеъри,  
Қўшиқчини бой қиласар шеъри,  
Лек шоирдан сўраб кўринг-чи,  
Минганмикан бойлик отини?

Қалами бор бу зотнинг фақат,  
Алами бор бу зотнинг фақат.  
Шоирасин инжиқ эри бор,  
Шоирининг рашикчи хотини.

2006 йил

## Тавба

Отамни кўп норизо қилдим,  
Онамни кўп норизо қилдим,  
Худо мени кечиравмикан?

Йилларим норизо йиллардан,  
Оёғим норизо йўллардан.  
Худо мени кечиравмикан?

Ерлардан норизо курагим  
Аклимдан норизо юрагим  
Худо мени кечирабмиш?

\* \* \*

Сочимга оқ тушиди,  
Юзимга ажин,  
Күнглим хеч жойига тушмади...

Кошимни қаро қилдинг,  
Күзимни қаро,  
Манглайимни қаро қилма  
Худоё!

## Савол-жавоб

Қасрга

Кетяпман? — дедим

Худога!!!

## Қарз

Умр — қарз дейдилар  
Худонинг қарзи.  
Теэрок қутулсайдим  
Мен шу қарзимдан.  
Ахир кийин...  
Хар лахза қарзингни сўраб турсалар...

## Ника Турбина

На исён қилолдим ва на ғалаба.  
Гарчи жанггоҳларда олгандим таълим.  
Бу буюк сабокда мен бир талаба,  
Дарсингдан зерикдим... кечир муаллим.

2005 йил

## Юрагим ҳақида

Эй дўст!  
Юрагимдан бошланар  
Менинг фожиам!  
Кейин Ватанимда  
давом этар у  
кейин юракларга ўтади кўчиб  
кейин...  
тамом бўлар у  
Онамнинг юрагида...

\* \* \*

Мен

одамларга  
Манзилларга  
Хорларга  
Масуруларга  
Юрагимни очиб бораман.  
Ва қайтаман  
Ўликларга тўла юрагимни  
Бағримга босиб,  
Ўлик боласини кучган онадек  
йиғлаб қайтаман.

\* \* \*

Мен ҳеч видо айтмай кетаман,  
Ва айтмайман, бирор васият.  
Фақатгина кўз юмиб ўлсам,  
Юрагимни ёлиб гул билан,  
Кўзларимни очиб қўйингиз!

\* \* \*

Сиз тинглаб ётасиз ғанимим,  
Замона соатин чик-чикларини,  
Мен хар кеча тинглаб ётаман,  
Юрагимнинг санчиқларини...

1999 йил

**МЕНИНГ  
ИККИ  
ҚҰРҒОНИМ**



## **Даҳшатли ҳақиқат**

*Арслонни қашқирга ялинтирган эҳтиёждир, эҳтиёж.*

*Каландарлар қўшиги*

Отам кариб борар... мен жим турибман,  
Онам кариб борар... мен жим турибман,  
Худойим айт ўзи мен ким бўлибман?  
Онамнинг дардини аритолмадим.

Йулларимни кутиб баҳтлар қариди,  
Севгилар, нигоҳлар, аҳдлар қариди,  
Суяғим ичида шахтлар қариди,  
Мен дунё ғамини қаритолмадим.

Онамнинг кўнглида шамчироқ бўлдим,  
Шамчироқ бўлмадим ғамчироқ бўлдим.  
Не-не зимистонни ёритдим, лекин,  
Ўз кўнглим тубини ёритолмадим.

Мен арслон эдим, қашқирга бордим,  
Аммо қаён борсам тақдирга бордим.  
Яратган яратди... кўп сирга бордим,  
Ва лекин ҳеч нарса яратолмадим.

Отам кариб борар... мен жим турибман,  
Онам кариб борар... мен жим турибман...

*2005 йил*

## **Таскин**

Ранги япроқдайин синик онама,  
Рұҳим банди бўлди, танам олдида.  
Менинг ишим факат Худода қолган,  
Тиз чўкмам на бут, на санам олдида.

Онамга не бердим кўз ёшдан бўлак,  
Кўксим эзиб ётган шу тошдан бўлак.  
«Бахтирок бўларди мени туғмаса»,  
Бошим мангу эгик шу ғам олдида.

Кимдан гул, кимданdir пул қарздорман.  
Эй бундок нарсадан мўл қарздорман.  
Қарздорман деб кўнгил чўқдирмок нечун,  
Одам қарздор-ку одам олдида.

Гарчи у чорлади, унга бормадим,  
Борсам ишк ўлади, шунга бормадим.  
Афсус, бекор бўлди минг мил юрганим,  
Ўша қўйилмас бир қадам олдида.

Онам бу дунёга ҳалоллик берди,  
Юзларин тозалаб зилоллик берди.  
Онамнинг карзи йўқ дунёдан, лекин,  
Дунёнинг карзи бор онам олдида.

2005 йил

## Илтижо

«Неча йиллар ўтиб ҳам борсак уйда бизни  
онам кутиб олармикан?»  
Онамнинг саволи

Майли, майли уйимизнинг ғариблиги,  
Гоҳ ботартиб, гоҳида бетартиблиги,  
Яралдикки дунё ғами арибдими?  
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Мустаргинам кўзларида ёни калкиб,  
Бошлирида турса рўмоллари салкиб,  
Бу қоронғу умрим аро нурдек балкиб,  
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Оёқларин меҳнат юки оғритмаса,  
Каримаса, бундан бошқа каримаса,

Шу жонига ғаму дардлар доримаса,  
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Ёдлаб етти ёт, акрабо, хепларини,  
Бошларидан отиб дунё ишларини,  
Отам билан кутиб ёзу қишлигини,  
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Бу дунёсин иши билан ишим йўқдир,  
Тишлашайин десам синмас тишим йўқдир.  
Куйсам онамдайин куяр кишим йўқдир,  
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Биродарлар, билмайсиз бу шундай ғамки,  
Ва шундайин кўнгил кувнар бир байрамки,  
Қишлоғимга минг йил ўтиб борсам ҳамки,  
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

2006 йил

## Ҳайкал

Менинг онам – ғамга қўйилган ҳайкал.  
Мангуба ўчмас шамга қўйилган ҳайкал.  
Отам, отажоним ғариб қўрғоним,  
Энг яхши одамга қўйилган ҳайкал.

Менинг бир сўзим йўқ уларга арзир,  
Олдида кўп эрур юрагим қарзи.  
Улкан эканини англай бошлайман,  
Узоқдан кичкина тувлуган ҳайкал.

Шайтон-ла битимни бошласам агар,  
Ёмоннинг ошидан ошласам агар,  
Чап томон бир қадам ташласам агар,  
Менга қовоклари уюлган ҳайкал.

Хисоблар бераман шу иймонимга,  
Ва яна қўксимда жим армонимга,  
Отам, онажоним дил осмонимга,  
Юрагим конидан қўйилган ҳайкал.

2006 йил

## Шоирнинг онаси

Шоирнинг онаси ғарибдан ғариб,  
Жимгина тинглайди хаёт куйини.  
Хеч качон шохона қилиб беролмас,  
Шоир онасининг ғариб уйини.

Эҳтимол машҳури жаҳондир шоир.  
Эҳтимол бир буюк армондир шоир,  
Шоирнинг онаси ерга дугона,  
Кимлардир осмонга бўйлар бўйини.

Фарибгина ховли, ғариб бир тандир,  
Мустаргина ўчок ва мунглиғ тақдир,  
Менга деганида армонлар наклдир,  
Англадим: бу бари қисмат ўйини.

Шоир ўйлаб ётар буюк бўлсам деб,  
Онамгамас элга суюк бўлсам деб,  
Шон-шухрат кайфидан каердан билсин,  
Пуч ёнғоқлар билан тўлган қўйини.

Юрагим ичида бир ёмон туйғу,  
Эй дўст-биродарлар бу қандоқ қайғу,  
Шоир онасида бир армон, орзу,  
Кўриб ўлсам бас дер болам тўйини.

Эй сен, иззатталаб, бечора шоир,  
Онанг кетиб борар, на чора шоир,  
Тиклаб беролмадинг чўккан уйин, лек,  
Кўтариб қўй бориб, чўккан кўнглини.

2006 йил



## **Ота дуоси**

Гулзорларим атрингиз сочинг,  
Фам-қайғулар йўлимдан қочинг,  
Фаришталар қўлингиз очинг,  
Мен отамнинг дуосин олдим.

Эй ортимдан эргашган боғлар,  
Эй кўксимга ўрганган доғлар,  
Саломлашиб қўяйлик тоғлар.  
Мен отамнинг дуосин олдим.

Бахтли бўлар дуо олган қиз,  
Бахт йўлида узоқ қолган қиз,  
Эй гулларга соя солган қиз,  
Мен отамнинг дуосин олдим.

Менга нима энди фам келса,  
Бири ортиқ, бири кам келса,  
Чикорадир бари жам келса,  
Мен отамнинг дуосин олдим.

Суякларим қакшаб, бахт кутдим,  
Галоларга ўхшаб, бахт кутдим,  
Йўлларга гул тўшаб, бахт кутдим,  
Мен отамнинг дуосин олдим.

Фанимга бахт кулса, не алам,  
Кўзимга ёш тўлса, не алам,  
Киёматлар бўлса, не алам,  
Мен отамнинг дуосин олдим.

*2005 – 2006 йиллар*

## Икки кўрғон

Онанг кетса савлатларинг кетгайдир,  
Отанг кетса давлатларинг кетгайдир.  
Шу иккала кўргонингдан айрилсанг,  
Манглайдаги зар хатларинг кетгайдир.

Отаси йўқ чўлда қолган гиёҳдай,  
Онаси йўқ ранги рўйи сиёҳдай.  
Кимнинг агар кўрғонлари йикилса,  
Тўрт томондан тўрт минг озор етгайдир.

Нари борса тўрт йил кутар дилдоринг,  
Ўи йил кутар садоқатли дўст-ёринг.  
Отанг шунда сабр тошга айланар,  
Онанг кирқ йил кўз юммайн кутгайдир.

Отанг ўлса, ўлди дема ҳаёт у.  
Кўксингдаги сўнмайдиган баёт у.  
Ногоҳ агар йўлларингда қокилсанг,  
Онанг руҳи кўлларингдан тутгайдир.

Бошингга иш тушганида синаб кўр,  
Фамингга ғам кўшганида синаб кўр.  
Кимларингдир сен деб кўз ёш ютар лек,  
Отанг килич, онанг қонлар ютгайдир.

Шон-шуҳратинг кетса кетар дўстларинг,  
Мол-давлатинг кетса кетар дўстларинг.  
Отанг-онанг колар сенла, қолгани  
Шунчаки... кўчангдан бир-бир ўтгайдир.

2003 йил



**ВАТАН ДЕЯ  
ЮКСАЛАР РУҲИМ**



\* \* \*

Ота, шеър азоби уйғотди мени,  
Юрагимга күчди уфклар туси.  
Эл деган мушфик сўз улғайтди мени,  
Мени одам қилди миллат қайғуси.

Ёвга бермагайман эътиқодимни,  
Бир кун авраса ҳам кўринмас ҳалка,  
Лекин бу олифта сўзларим билан,  
Нафим тегармикан шу мунглиғ ҳалқقا.

Чорламасми мени кибор давралар,  
Кўксим оловлари ўчмасми яна.  
Мен ул давраларда шохона юрсам,  
Осилган чоригим қилмасми таъна.

Бир кун Ватан дея юксалса рухим.  
Ҳалк десам бошимга тиғ келмасидан.  
Ота, тупроқларинг эсларми мени,  
Ватан ўчирмасми хотирасидан...

2001 йил

### Келинчак орзуси

Менинг ғамим йиғлатгувчимас,  
Куч берар, қалб тиғлатгувчимас,  
Мен боламга ухлатгувчимас,  
Уйғотгувчи алла айтаман.

Уйғон дейман шу юрт ҳакки деб,  
Уйғонмасант бу ҳалқ ҳалқми деб,  
Манглайимда нурдек балқи деб,  
Уйғотгувчи алла айтаман.

Хар ёрларни қилмагил ҳавас,  
Байроғингни берма бир нафас,  
Парчала, бу эрксизлик — қафас,  
Үйғотгувчи алла айтаман.

Соҳибқирон бўл болам дея,  
Пойингдадир бу олам дея,  
Кўксимдаги хур нолам дея,  
Үйғотгувчи алла айтаман.

Ухла болам алла демайман,  
Бу дунё тўй, ялла демайман,  
Хар деворни қалъа демайман,  
Үйғотгувчи алла айтаман.

Эй ботирим, ўғлоним дейман,  
Ўк ўтолмас қўрғоним дейман,  
Жоним дейман, жаҳоним дейман,  
Үйғотгувчи алла айтаман.

У уйғонар қаддингни тут деб,  
Етмиш икки томири юрт деб,  
Эл деганда оловлар ют деб,  
Үйғотгувчи алла айтаман.

Шунда болам бедор бўлади,  
Сарҳадларда ҳушёр бўлади,  
Унга Худойим ёр бўлади.  
Үйғотгувчи алла айтаман.

2006 йил

## Қишлоқ аёллариға

Мен шу ҳалқнинг ҳолидан хабар  
Олгувчиси бўлолдимми ҳеч.  
Бахтлар ташлаб кетса ёнида  
Колгувчиси бўлолдимми ҳеч?

Онамдайин мустар аёллар,  
Жаннатий баҳт истар аёллар,

Эй ердек хокистар аёллар,  
Сўзингизга ўхшолдимми хеч?

Болангизниң кийган калиши,  
Юрагимни кийнар нолиши,  
Гарчи ғамгин нигоҳ солишими,  
Бўзингизга ўхшолдимми хеч?

Билдингизми хеч баҳтнинг таъмин,  
Жим кузатиб дунёниң ғамин,  
Қайғу чўккан, ғамгиндан ғамгин,  
Кўзингизга ўхшолдимми хеч?

Минбарларда берилган ваъда,  
Рухингизга бўларми далда,  
Офтобларда ёруғ, афтода,  
Юзингизга ўхшолдимми хеч?

Борми сиздек фироқда колган,  
Баҳт ёидан йироқда қолган,  
Саратонда тупроқда колган,  
Изингизга ўхшолдимми хеч.

Қалбингизга сўзларим чўкиб,  
Бораяпман кўз ёшим тўкиб,  
Сиз онамга ўхшайсиз, лекин,  
Қизингизга ўхшолдимми хеч?

2006 йил

## Ўзбекистон мадҳи

Водний келиндек нозланган юрт бу,  
Воҳаси куёвдек отланган юрт бу.  
Манглайига зардан зарҳаллар солиб,  
Ўзбекка Ҳудодан хатлашган юрт бу.

Отамнинг кўксидек баланд **Сурхоним**,  
Она **Самарқандим** — қадим қўргоним.  
Бобур ҳасратию соғинчи бўлган,  
Одамлари жондек жон **Андижоним**.

**Сўлим Фарғонага саломлар бўлсин,  
Наманганга дилбар каломлар бўлсин.  
Юртга подшоҳ берган Қашқадарёнинг,  
Юзи ёруғ бўлсин, боши тик бўлсин.**

**Сирдарё лабида сирлар кўрарман.  
Бухоро бағрида пирлар кўрарман.  
Ёзу баҳорингдан айланай юртим,  
Жиззахда баҳмалдек қирлар кўрарман.**

**Ким келса, бошини силагандир у,  
Буюкларга иқбол тилагандир у.  
Бошида улуғлаб Қорақалпоқни,  
Пойи ҳам таҳт бўлган гўзал Тошкент бу.**

**Хоразмда хонлар излари бордир.  
Паркентнинг париваш кизлари бордир.  
Янги хонадондек гўзал Навоий,  
Сенда хаэрратимнинг кўалари бордир.**

**Мангу зафарларга отланган юртим,  
Ўзбекка Худодан хатланган юртим.  
Белин белбоғ кучган Бободехқоним,  
Шонли зафар кучган Ўзбекистоним.**

**Бахтга сафарларинг муборак бўлсин,  
Тўю зафарларинг муборак бўлсин.**

2006 йил

## **Омон бўлсин**

**«Сизни севдим» десак бас, қайтиб келар баҳорлар,  
Кўксимиизни тўлдириб, оқиб ўтар анхорлар,  
Кўнгиллар бузилмаса, бузилмагай рўзгорлар,  
Хар кимнинг кўнгил деган макони омон бўлсин.**

**Самарканднинг сайқали Бухорога зеб берар,  
Хоразмнинг пирлари Сурхонимга сеп берар,  
Бир-бирига гул тутиб, сизни севдим деб берар,  
Гул водийга етказар давони омон бўлсин.**

Тинчлиги бўлмаса гар, рохати йўқ ўзбекнинг,  
Бирорларга чап берар одати йўқ ўзбекнинг,  
Йикитгану бузганга токати йўқ ўзбекнинг,  
Қалдирочлар ин кураган омон бўлсин.

Гуллаётган боғимни қиронга бергим келмас,  
Бир сиким тупроғимни биронга бергим келмас,  
Тўралар тўзиб кетар, лек бир сўз қолар мангур,  
Ўзбекни зўр бек қилган дехкони омон бўлсин.

Пахта хиди анқиган чопонингдан айланай,  
Тупроқлар тавоф қилган товонингдан айланай,  
Сенга бахт олиб келган давронингдан айланай,  
Давронларга етказган сарбони омон бўлсин.

2006 йил

## Ўзбек эли

Эгатларда эгилганим онажоним,  
Хоримасанг хирмонларинг пайдо бўлмас.  
Яқинига яктагини ёпган бу эл,  
Узокдаги шуълаларга шайдо бўлмас.  
Давринг келди, кўзлари нам бўлмагайсан,  
Сен хеч қачон, хеч кимдан кам бўлмагайсан.

Сочларингдан ўзбек хиди келиб турсин.  
Юзларингда кулгучларинг кулиб турсин,  
Жаннат ваъда қилса жонинг бериб юрма,  
Зори борга, зари кўплар ошно бўлмас.  
Икки дунё бошлари хам бўлмагайсан,  
Сен хеч қачон, хеч кимдан кам бўлмагайсан.

Отлар минган оталардек ғурурли бўл,  
Қади баланд, озод Шарқдек шуурли бўл.  
Хар кимларга йўл кўрсат деб ялинмагил,  
Ўзинг гадо бўлсанг боланг подшо бўлмас.  
Озоддирсан, ёвга қарам бўлмагайсан,  
Сен хеч қачон, хеч кимдан кам бўлмагайсан.

2006 йил

## Ўзга юртда юрган ўзбек боласига

Ёт юртларда ётдай юриб нима топдинг,  
Ёлғизгина отдай юриб нима топдинг.  
Ёт ўрмонда хатто арслон бўзлаб юрар,  
Бегонадай даврон суреб нима топдинг?

Ўзга юртнинг жамолига ошиқмисан,  
Ё алдамчи шамолига ошиқмисан,  
Ўз юртингнинг кирларини тавоф килмай,  
Ўзга юртнинг тоғин кўриб нима топдинг?

Бирорларнинг боғларини қўриқлайсан,  
Хатто қарға зоғларини қўриқлайсан,  
Ўз боғингда юрганингга нима етсин,  
Бирорларнинг боғин кўриб нима топдинг?

Онандайин меҳрибонинг шу тупроқ-ку,  
Илдизингу, тану жонинг шу тупроқ-ку,  
Юртдан кетган юзи каро бўлар дерлар,  
Ёт юртларда юриб-юриб нима топдинг?

2006 йил

## Ўзбек боласи

Эй шу юртнинг Алп боласи  
каддинг кўрсат.

Осмонларга учмоқликка  
хаддинг кўрсат.

Сарҳадингдан хатто  
соя ўтолмасин,

Эл қадрлаб,  
Ўзингнинг ҳам  
кадринг кўрсат.

Баланд мағрур тоғларимнинг жоласисан,  
Ўзингдек бўл, Сен ўзбекнинг боласисан.

Болам дейди,  
Ўзбекимнинг оналари,  
Боласига тойчок бўлар

Оталари.

Кизларига мунчоқ қилиб  
тизисиб берар,

Осмондаги юлдузларнинг  
шодаларин.

Баланд мағур төғларимнинг жоласисан,  
Ўзингдек бўл, Сен ўзбекнинг боласисан.

Тўёон келса, чўлда кумлар  
кўчиб кетар,

Алп турмасанг, сувинг  
итлар ичиб кетар,

Пулга бунча меҳр қўйма  
эй болажон,

Пул дегани пуф десанг бас  
учиб кетар.

Баланд мағур төғларимнинг жоласисан,  
Ўзингдек бўл, Сен ўзбекнинг боласисан.

Дунёта бок,  
Дунё билан тиллаш болам,

Куёш иши —  
Ерга пурлар йўллаш болам,

Бир қавмнинг,  
бир миллатнинг илдизисан,

Биродарсан,

Бир-бирингни кўлла болам.

Баланд мағур төғларимнинг жоласисан,  
Ўзингдек бўл, Сен ўзбекнинг боласисан.

2006 йил

## Ўзбекнинг ўзи

Тонгда тўйлаб ош бермаган ўзбек эмас,  
Оплатиб кўкрак кермаган ўзбек эмас,  
Куёвларни тоғоралар билан сийлаб,  
Кирк кўйли бекдек юрмаган ўзбек эмас.

Келин чарларлари килиб чорламаса,  
Келин саломларин айтиб зорламаса,

Элга таъзим килиб, элдан таъзим олиб,  
Хондайин даврон сурмаган ўзбек эмас.

Ўзбек-ўзбек бўлармиди тўйларисиз,  
Карнай-сурнай, чилдирмасин куйларисиз,  
Элимга ош бераман деб, тонгни кутиб,  
Кўёшдан олдин турмаган ўзбек эмас.

Боласига борлиғини берган элим,  
Болам-болам дея яшаб юрган элим.  
Ким бўлса ҳам борлигингча севсин сени,  
Борингча яхши кўрмаган ўзбек эмас.

2006 йил

## Бизни халқ

(«Бизни халқ» – Чўлпонга ўхшатма)

Илму урфон нурларига бўлди ошно бизни халқ,  
Маърифатнинг дурларига бўлди ошно бизни халқ.

Ҳам адаб дарси билан бу кент жаҳонта дарс бериб,  
Ҳурриятнинг ҳурларига бўлди ошно бизни халқ.

То тириклик сахнасидин, қабр қадар илм истади,  
Тарикатнинг гулларига бўлди ошно бизни халқ.

Ўз тилин бошга қўйиб, ўзга тилни қадр этиб,  
Эзгуликнинг тилларига бўлди ошно бизни халқ.

То қуёш озод бошин Шарқдан кўтаргай уйғониб,  
Осимоннинг йўлларига бўлди ошно бизни халқ.

Ҳар томон кўприк солинди, дилга дилларни улаб,  
Бир-бирининг дилларига бўлди ошно бизни халқ.

Тўй қилиб эл чорламаса, эли эл бўлгаймудир,  
Тантлиликнинг тўйларига бўлди ошно бизни халқ.

Пахтаси хам шилласи, ўз тилласи ўзи учун,  
Орзуси, ўз ўйларига бўлди ошно бизни халк.

Хар тараф чойхоналар, оталар кўнглин олур,  
Мадраса масжидларига бўлди ошно бизни халк.

Токи дунё бор экан, ўзбек деган халк бўлгувси,  
Сўзида событларига бўлди ошно бизни халк.

2006 йил

## Ўзбекистон

Ўзбекистон яхши кўраман,  
Ҳам чўлинг ҳам чаманзорларинг.  
Оқ булатдек пахтазорларинг,  
Шовуллаган буғдойзорларинг.  
Сени яхши кўраман Ватан.

Баҳорларинг севаман яна,  
Менга азиз яшил боғларинг,  
Юрагимга яқин онамдек,  
Осмон билан туташ тоғларинг.  
Сени яхши кўраман Ватан.

Бармоқ қўйсам булоқ кўз очгай,  
Адирларинг ишқдан сўз очгай.  
Хар тонг салом бериб, жилмайиб,  
Офтобинг келиндек юз очгай.  
Сени яхши кўраман Ватан.

Майсаларинг синглимдек майин,  
Шамолларинг эрка, мулойим.  
Ўзбекистон, эй жаннатий юрт,  
Бошимда бўл, омон бўл доим.  
Сени яхши кўраман ватан.

2006 йил

## Даъват

Ахли одамият! Ватандек қалқинг,  
Ва жонни берингиз унинг ёдига.  
Ватан тупроғини тиз чўкиб ўпинг,  
Қаддингизни ростланг, Ватан олдида.

Бу шундай, жонларга берилмас хилқат,  
Унингдек азиз йўқ инсон зотига.  
Агар тупрокларга қоришсангиз ҳам,  
Рухингизни тикланг, Ватан олдида.

Биродар миллатнинг жон томирисиз,  
Мехрингизни сотманг гуллар тотига.  
Ватан байробини юракка қадант,  
Байрокни кўтаринг, миллат олдида.

Тоғлардек юксалинг, Ватан чорласа,  
Боболар ўтдилар эрк деб ғамдийда.  
Бағрингизга босинг Ватан сўзини,  
Оёқка қалқингиз, Ватан олдида.

1999 йил

\* \* \*

Гарчи йўлларимга девор урдилар.  
Мен бу деворларни йиккайман Ватан.  
Қаерда бўлсам ҳам, қаён бўлсам ҳам,  
Бир куни пойингта чўккайман Ватан.

Гарчи мунисингман, мунгли қизингман.  
Сув бўлиб ўпарман қирғоқларингни.  
Агар чохларига ташласалар ҳам,  
Уфқка қадагайман байроқларингни.

Кун бўлдим, осмонинг узра кўн учдим,  
Гарчи озор кўрдим калхатларингдан.  
Ўқсидим жонимга тиғлар ботса ҳам,  
Кўнгил узолмадим сарҳадларингдан.

Факат мен кечикдим, сен кечир Ватан,  
Етиб келолмадим сабоқларингга.  
Факат номинг сотиб кўкка чиксалар,  
Термилиб йиғладим тупрокларингга.

Ватан!  
Сарғайиблар яшадим сен деб,  
Менам бу дунёнинг гулхонасинда.  
Бир кун жон бергайман кўксим чангллаб,  
Сенинг юрагингни остонасинда.  
Бир куни пойингга чўккайман Ватан.

1999 йил

## Ватан ўғлони

(Андижон воқеаларида  
ҳалок бўлган II даражали  
«Шон-шараф» ордени соҳиби  
Бахром Жўраев хотирасига)

Юртни кўрғон бўлиб асраган ўғлон,  
Ватанни орим деб саклаган ўғлон,  
Сен ўзинг ёв енгмас кўрғонсан кўрғон,  
Ватан кўрғонига дарз етмагайдир.

Сен эй Алпомишдан сабоқлар олган,  
Широқдан кош олган, қабоқлар олган,  
Соҳибқиронимдан садоқлар олган,  
Сен каби кўргондан ўқ ўтмагайдир.

Ёвларни қўймадинг ота маконга,  
Гарчи юрак-бағринг тўлди армонга,  
Шундок жаннатмакон Ўзбекистонга,  
Ким айтар, ғанимлар кўз тутмагайдир.

Бахром деб исмингдан айланар онанг,  
Жони йўқ жисмингдан айланар онанг,  
Сени жаннатларда кўрмагунча то,  
Онанг қонлар ютар, сув ютмагайдир.

Сен юртни ёвлардан асрар кўрғонсан  
Халқини оридек саклар кўрғонсан,  
Сен энди Ватанга азиз ўғлонсан,  
Ватан ўғлонини унутмагайдир.

2005 йил

## Түйхат

Ёстиқ қилиб сен бошингга қўйиб олдинг,  
Тўнларингга солиб уни кийиб олдинг,  
Саратоннинг офтобида қўйиб олдинг,  
Пахтанг сенинг ризқу рўзинг бўлди халқим.

Дуо қилдим: Бевакт ёғасин деб,  
Кўрсатмасин табиат бир нағмасин деб,  
Омадлари чап томонга оғмасин деб,  
Дилимга бир хавотирлар келди халқим.

Сен пахтани болангдайин авайладинг,  
Кўксингдаги нолангдайин авайладинг,  
Худдики жон толангдайин авайладинг,  
Гарчи чаноқ қўлларингни тилди халқим.

Бободехкон қўли қадоқ меҳнатидан,  
Умидвордир Худойимпинг раҳматидан,  
Шу пахтакор аёлларнинг заҳматидан,  
Бугун пахта хирмонларинг тўлди халқим.

Мен жайдари қизингдирман дала кезган,  
Пахталаринг ўssa кўриб кўнгли ўсан,  
Оддий дехкон қизиман лек, бир шсър ёзсан,  
Ўзбек деган элу элат билди халқим.

Айтадилар дуо билан эл кўкарап,  
Тупрок дуо қиласагина гул кўкарап,  
Тупроғингга қўйса ҳатто қўл кўкарап,  
Шукр, бугун баҳт қуёшинг кулди халқим.

Юзинг ёруғ, зафар қучдинг шонлар билан,  
Фаҳрлансанг арзиди бу онлар билан,  
Қутлагайман сени ёруғ тонглар билан,  
Бу ёғи тўй, ҳайит, байрам энди халқим.

2006 йил

## **Кутловнома**

Пахтакорим Ўзбекистон етиб келди,  
Манзилига елкасида юклар билан.  
Тинмай захмат чеккан бободехқонимнинг  
Хирмонлари туташибдир кўклар билан.  
Оппок пахтакарвонлари кутлуғ бўлсин,  
Озод элнинг хирмонлари кутлуғ бўлсин.

Энди элга байрам, ҳайит, тўй ярашар,  
Кўчаларин тўлдиргали куй ярашар,  
Хув тоғлари кадар баланд бўй ярашар,  
Оби нону ширмонлари кутлуғ бўлсин,  
Озод элнинг хирмонлари кутлуғ бўлсин.

Бободехқон пахтам деб жон бериб олар,  
Ризку рўзи — пахтасини териб олар,  
Хирмон тўлса кўкрагини кериб олар,  
Келар давру давронлари кутлуғ бўлсин.  
Озод элнинг хирмонлари кутлуғ бўлсин.

Пахта билан эгизлиги ростдир унинг,  
Пахтадайин кўнгиллари оқдир унинг,  
Шод-хуррамдир хирмонлари тўлган куни,  
Пахтазорда жавлонлари кутлуғ бўлсин,  
Озод элнинг хирмонлари кутлуғ бўлсин.

Она халким, бу кунлар бир саодатдир,  
Элбошининг дуолари башоратдир,  
Сен пахтангни Худойимдан сўраб олдинг,  
Этатда минг әгилганинг ибодатдир.  
Юртнинг марду майдонлари кутлуғ бўлсин,  
Озод элнинг хирмонлари кутлуғ бўлсин.

*2006 йил*



## 1.

### *Курашлар юртиман. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига багишилаб*

\* \* \*

#### **Ерқўрон шеъри**

Она ердек улуғландим, Ерқўргон бўлдим.  
Тангри кўқдай улуғлай деб бу шариф зотни.  
Осмоний рух бериб яна шарафлай дея,  
Хоксор ердан яратмишдур одамизодни.

Анахита сувлар тутди жасур жантчимга,  
Аждахонинг комида мен минг йиллар турдим.  
Улуғ Широк, Тўмарису Спитаменниг,  
Озодлик леб туғлар тутиб юрганин кўрдим.

Сўнг Искандар келди килич совутлар билан,  
Рўйи дунни тутди мағрур овозаларим.  
Эҳ Рахшона, гўзал малак, маликам менинг,  
Фақат севги очган менинг дарвозаларим.

Оташпаст бўлди халқим, ўтга сигинди,  
Чингиз келди қирай деб бу ўтпастларни.  
Ерқўрону Нахшабни у якson килди, лек,  
У хам енга олмади бу юртпастларни.

\* \* \*

#### **Насафнинг шеъри**

Насаф бўлдим, нафасимдан хурлик яралди,  
Тариқат ва ҳакиқатнинг эшиги бўлдим.  
Дунё шохи бўлар мени эгаллаган зот,  
Мен ўн аср сўфийларнинг бешиги бўлдим.

Кейин Темур Соҳибқирон – адолат туғи.  
Озод килди мазлумликдан ғариб қулларни.

У биларди бағрим билан туташганини,  
Дунёнинг тўрт томонидан келар йўлларни.

Оқсаройни оқ булатдан тиклади Темур,  
Авлодларга аждодларнинг қолсин ёди деб.  
Сўнг Одина масжидини бунёд айлади,  
Менинг озод халқимнинг зўр эътиқоди деб.

\* \* \*

### Қаршининг шеъри

Доим эрк деб курашилди менинг бағримда,  
Бугун эркнинг суруридан мағрурдир бошим.  
Тўрт томоним гуллатди у шариф, улуғ зот.  
Мен Қаршиман икки мингу етти юз ёшим.

Бугун озод халқим билан фаровонликда,  
Мантгайида баҳт күёши кулган Қаршиман.  
Курашларда ғолиб бўлиб мағрур эл билан,  
Икки мингу етти юзга тўлган Қаршиман.

2.

### \*Еркўрғон

Азал-абад бағрига баҳт яширингандан замин,  
Широқ мени фило бўлиб ёвга бермаган.  
Ёвнинг бошин қонга солган Тўмарис қизим,  
Еркўрғонман, дунё мендек кўргон кўрмаган.

Бағримда не курашлару, зафарлар кўрдим,  
Ботирларга алла айтдим ва айтдим ўлан.  
Тангри ердан яратмишдур мени ҳам, не баҳт,  
Эгиздурман азал-азал одамзод билан.

### \*Нахшаб, Насаф

Мен 10 аср Сўфийларга таълимот бердим,  
Илохий нур булогига айланди бағрим.  
Насафиylар нафасидан тозарди дунё,  
Мен Насафман азал-азал буюклар шахри.

Элатимни ва ёдимни улуғлай дея,  
Оқсаною Одинани тиклади Темур.  
Минг йилларки менинг пойим зиёрати деб,  
Дунёнинг тўрт томонидан одамлар келур.

### \* Қарши

Тангри азиз қилган шаҳар хор бўлмас экан.  
Яна мени улуғлади бир мукаррам зот.  
Мен Қаршиман, хурриятнинг тўйларин кўрган,  
Озодликнинг суруридан ободман обод.

Бу жафокаш бағрим аро не-не шоҳларнинг,  
Искандару Дороларни тиги қадалмиш.  
Адолатсиз хукмларга, ёвга қаршиман,  
Балки шундан менинг номим Қарши аталмиш.

Фаним келса бошин эгмас ҳалқим бор менинг.  
Не шоҳларни мафтун этган менинг жамолим.  
Шукр бугун бағрим аро эсмокда фақат,  
Озодлигу ҳакиқатнинг эркин шамоли.

2006 йил



# **БОЛАЛИГИМ — МОВИЙ ОСМОНИМ**



## **Болалик ва мен**

Тупрок күча, чангиган йўллар,  
Беда ҳиди анқиган дала.  
Китобини кўксига босиб,  
Сигир бокиб юрган қиз бола.

Қайтмайдими она у кунлар?

Куёш билан бирга югуриб,  
Тунда ойни қўриган соқчи.  
Китобини кўксига босиб,  
Ухлаб ётган қовун қўриқчи.

Қайтмайдими ота у кунлар?

Укасини опичлаб олиб,  
Тупроларда колдириб изча.  
Китобини кўксига босиб,  
Пахтазорга йўл олган қизча.

Қайтмайдими ука у кунлар?

Шаршарадек шараклаб кулган.  
Варраклари килганда парвоз.  
Ўжарлиги тутганда дўстнинг,  
Тумшуғига туширган шоввоз.

Қайтмайдими дўстим у кунлар?

Улғаймоқни ёлвориб сўраб,  
Худони тинч кўймаган мудом.  
Катта бўлиш ёмонлигини,  
Энди англаб йиғлаган одам —  
Мен!!!

Қайтмайдими Тангрим у кунлар?

*2006 йил*

## Қаерларда қолдинг?

Оёқ яланг чанг күчалардан,  
Болаликдан кетиб қўйибман.  
Ёраб, ўзим билибми билмай,  
Ўн саккизга етиб қўйибман.

Беғубор ишқ, беғубор кўнгил,  
Яшар эдим дунёни суйиб.  
Ўжарлигим, бебош шўхлигим,  
Ортда қолди юраги куйиб.

Бугун барча ёзувлар ўчган,  
Кўзларимда шўхлик эмас, ёш.  
«Севаман» деб хат ёз бир яна,  
Қаерларда қолдинг, синфдош?

Кунлар мени чархпалак қилди,  
Юрак оқиб кетди-ку куйлаб.  
Нега мени ютқизиб қўйдинг,  
«Оқ теракми, кўк терак» ўйнаб?

Шунчасидан кечиб топганим,  
Чорлаганим чўқканимча тиз.  
Тамом, мени ҳеч кимга берма,  
Мен кашф қилган дунё ўн саккиз.

1996 йил

**Фарзона,  
Ноила,  
Шахинанинг шеъри**

Биз Фарзона Ноила,  
Жуда баҳтли оила.  
Бизларга йўқ таҳлика,  
Шахинамиз — малика.  
Аяжонимиз Барно,  
Донолардан ҳам доно.  
Бобожонимиз яхши,  
Бизнинг ақл конимиз.

Күёшдек меҳри иссиқ,  
Рисол энажонимиз.  
Энг катта аммамизнинг,  
Парилардек хусни бор.  
Кичигининг ишлари,  
Ростдан кўпdir, эҳтимол.  
Бир йилда бир келмайди.  
Бизнинг кичик аммамиз.  
Ўзинимас совғасини,  
Кутамиизда ҳаммамиз.  
Худога шукур бизда,  
Бордир икки амаки.  
Икковиям ақлли,  
Хеч чекмайди тамаки.  
Бизчи биз гўзал қизлар,  
Осмонларни кўзлаймиз.  
Энг муҳими эркатой  
Дадамиздан сўзлаймиз.  
Энамиз эркатои,  
Кишлокнинг Жамшидбойи.  
Эркалатиб бизларни,  
Шоколад берар доим.  
Биздек ақлли доно,  
Кизларини билмайди,  
Ўтирволиб Худодан,  
Фақат ўғил сўрайди.  
Шунда ҳам дадамизга,  
Индамаймиз биз кулиб,  
Кўрсатамиз кўэига,  
Ўн ўғилдан зўр бўлиб.  
«Хола-хола»лар ўйнаб,  
Кўнглимизни хушлаймиз.  
Бизлар учта малика,  
Тахтимиздан тушмайиз.

2006 йил

\* \* \*

«Бир кунгина дунёни болаларга берайлик»  
Нозим Ҳикмат

Болалар қалбини бир кун көзсангиз,  
Саволлар кийнамас нега, не учун?  
Хаволарда оғир қайғу сезсангиз,  
«Болаларга беринг дунёни бир кун».

Ерда ер шарини ўйнаб юрсингилар,  
Тинчлик күшиклярин күйлаб юрсингилар,  
Байраму түйларда түйлаб юрсингилар,  
Болаларга беринг дунёни бир кун.

Кўлларидан тутиб айиқчаларни,  
Сувларга оқизсин қайиқчаларни,  
Белларига боғлаб қийиқчаларни,  
Болаларга беринг дунёни бир кун.

Уларга дўст бўлсин тоғда охулар,  
Эртаклардан чиқиб келсин сахийлар,  
Босмасин десангиз юртни ёғийлар  
Болаларга беринг дунёни бир кун.

Юртга барокатлар тилаб беради,  
Мангу фароғатлар тилаб беради,  
Сизга саодатлар сўраб беради,  
Болаларга беринг дунёни бир кун.

Боласиз дунёлар рўёдир рўё,  
Қалбингизда сайрап булбулигүё,  
Гўдак нафасидек тозарсин Дунё,  
Болаларга беринг дунёни бир кун.

2004 йил

## **Бегубор кулгилар**

Онаси құлларига узун чўпон таёқ тутқазиб, уни дарё бўйидаги кўм-кўк яйловга олиб бориб кўйди. Сигирларини силаб-сийнаб ўтлатди, эчкиларини янтоқзорга олиб борди. Ўзи эса дарё бўйидаги кумлоққа чўпон таёғи билан шеърлар ёзиб ўтиради. Дарёнинг суви кирғокка бош уриб, кумлоқни юварди, бироқ унинг шеърларини юволмасди, учирив хам кетмасди. У бундан хурсанд бўлар, яна шеърлар ёзарди.

Бир пайт қарасаки, сигири дарёни кечиб нариги кирғокқа интиляши. Дарёнинг суви оз бўлса хам уни вахима чулғаб олди. Сигири оқиб кетса-я. Ахир ўша сигири касал бўлиб колганда онаси «болаларимни ризкини кийма, Худойим» деб йиғлаганди-ку. Ўзи унинг онаси шунақа содда, сигири учун хам йиғлайди...

Сигири қанча кирғокқа интилмасин барибир чика олмай колди. У бирдан чинқириб «Одамлар ёрдам беринглар, сигирим оқиб кетяпти» деб бақириб йиғлай бошлади.

Шунда бирдан пахтазор томондан баралла кулги эшилди. Пахтазорда ишләётган кизлар унинг устидан кулишарди, у эса йиғларди. Онасининг «болаларимни ризкини кийма» деган сўзлари унинг миясида тинмай айланарди.

Болалик биринчи бор ўтичлар устидан хам кулиш мумкинлигини кўриб ҳайратланиб қолди. Чунки унинг учун ўша дақиқаларда ўша холат ғамли эди, мудхиши эди.

Бугун у улғайган. Содда ва бегубор юрагига эхтимол гардлар хам қўнгандир. Эни у хар гал ўша далаларга борса, бир дала кулгининг овозини эшигади. Пахтазорга айланиб кетган яйловлардан ҳайқириб келаётган кулгилар бугунги кулгилар олдида анча бегараз эканини англайди.

Унинг бугунги хаётидаги кулгиларга исм кўйиб хам бўлмайди. Истехзоли, таънали... У бугун кулгиларни, истехзоли кулгиларнинг овозини босиб кетадиган бегубор кулгиларни соғинган, жудаям соғинган.

\* \* \*

Кетсак Ватанларга қайтамиз, кетсак ғаму қувончларга қайтамиз, кетсак севгиларга, севиклиларга қайтамиз.

Бирок бу дунёда қайтиб бўлмас битта Ватан бор. Унинг осмонлари оппок, беғубор, яйловлари ям-яшил. Унинг мактаб қўнғироғи янглиғ соринтирувчи жарангдор овози бор.

Сен ана шу дунёда оқ кабутардек учеб юрардинг. Хаёлингнинг либослари ҳам оқ эди, дунёларинг хам оқ эди. Онанг мактабингга кузатаркан ортингдан меҳр билан қараб коларди. Сен барибир мактабдан кочиб келардинг, токи ўша мактабдаги болакайни яхши кўриб қолмагунингча дарслардан кочиб келаверардинг. Факат ўша болакай сени мактабга, ҳаётга боғлади. Отанг туилари узун-узун эртаклар айтиб берарди. Эртакларга ишонардинг, умринг эртаклардагидек бўлади деб ишонардинг. Ўша эртаклар ютида яхши одамлар қанчалар кўп эди-я?

Тупрок қўчаларда қолиб кетган, изига қайтиб бўлмас йўл — болаликни соғинмай бўладими? Сенинг севгила-ринг ўзгача эди. Сен энг меҳрга зор юрак эдинт, кўлла-рингдан тутган ўқитувчинги яхши кўрардинг, ўша меҳр ҳақи-хурмати унинг ўғилчасини ҳам севардинг. У сенинг рўмолингни олиб қочиб кетарди, сен эса ҳечам хафа бўлмасдинг, балки севинар эдинг. Ҳар тонг ариқ бўйида ўтириб рўмолингни кутардинг. Гуё эртаклардагидек рўмо-линг ариқдан оқиб келадигандек. Бу ҳолат сенинг одам-зодга ва ҳаётта бўлган илк севгингнинг ифодаси эди.

Ногоҳ бир тонг отди. Ёнингда ухлаб ётган қўғирчо-ғинг ҳам, ҳайратдай ёниқ болалигинги ҳам йўқ эди. Ўша кундан бўён сен яйловларда, ариқ бўйларида ўзингни кутасан, болаликни кутасан.

Рўмолимдек ҳарир болалигим, ариқларда оқиб кетган болалигим, мактаб қўнғироқларида жаранглаб қолганим, яшил яйловларда адашиб қолганим! Сени соғиняпман.

Мактабда жаранглаган сўнгти қўнғироқ овози мактаб йўлакларида кечган хотираларни эста солади. Неча кундирки қўнглимда қўнғироқ овози янграётиди.

Кетсак юракларга қайтамиз, маконларга, манзилларга, қайтамиз. Бирок болаликка қайта олмаймиз, қайтолмаймиз.

1996 йил

## **Умид**

Биламан бир кун келиб,  
Рухим оппок бўлгайдур.  
Билмам кирк йилдан кейин,  
Холим қандоқ бўлгайдур.

Хазон бўлди гулларим,  
Хазон бўлди йилларим.  
Бу хазонлар қайтадан  
Качон япроқ бўлгайдур.

Гулдан яралгандим-ку,  
Нурдан яралгандим-ку,  
Наҳот оппок қўлларим,  
Каро тупроқ бўлгайдур.

Гоҳ ғамларга тўларман,  
Ай, не бўлсам бўларман.  
Не бўлсам ҳам сўзларим  
Элга байроқ бўлгайдур!

*2004 йил*

## **Кеча ва бугун**

Ўйлар эдим: хаёт бизни сийлайди деб,  
Биз кўйлаган кўшикларни кўйлайди деб.  
Бугун бўм-бўш юрагимни сийлаяпман,  
Ҳаёт қандай айтса, шундай кўйлаяпман.

Ўйлар эдим: сўнмас менинг ғуурулларим,  
Кўксимдаги ҳайратларим, сурурларим,  
Бугун колдим икки ўтнинг озорида.  
Йиғлаяпман ғууриймининг мозорида.

Ўйлар эдим: дўстларим бор дил чоғ этар,  
Йўлимдаги чоҳларимдан огоҳ этар,  
Ёраб, бугун бу ўйинда ўзиб чиқдим.  
Дўстим ташлаб кетган чоҳдан ўзим чиқдим.

Ўйлар эдим: севган ёрим ташлаб кетмас!  
Жондай севар, кўзларимни ёшлаб кетмас!  
Ўйлар эдим: мен деб ундан адо йўқдир,  
Бугун ундан садо йўқдир, садо йўқдир!

Үйлар эдим: тоғдек баланд яшайман деб,  
Кирчаларга қандок назар ташлайман деб.  
Тоғдек чўқдим, ислар ларза солди менга?  
Бугун тоғлар, кирдек бўлиб қолди менга.

Дунё экан тоғларингни қир қилгувчи!  
Дунё экан осмонларинг ер қилгувчи!  
Келишмадим тоши ёлғон савдо билан,  
Она-бала бўлолмадим дунё билан!

Дунё экан... Дунё экан... Ай дунё-я...

2003 йил

### Онам билан кўзим сухбати

- Бошимдан қор эримади, онажон!
- Куйма, сенга қуёш бераман, болам!
- Кўзимдан ёш аримади, онажон!
- Сен чидайсан, бардош бераман, болам!
- Она, менинг оёғимдан чалдилар.
- Дунёси — шу менам куяман, болам!
- Нима килай, юрагимда қасос бор?
- Мен Тангirimга айтиб бераман, болам!
- Бу бўхтонлар ичра қандок яшайман?
- Сен шоирсан, сени биламан болам!
- Она, ёмон санчияпти юрагим...
- Йўқ-йўқ...

Энди нима қиласман, болам!!!

2000 йил

### Хиёнат

Момо Ҳаво, мени кечириңг!  
Юзингизга оёқ босдим мен.  
Сочларимни қиркиб осдим мен  
Дор бўлмади, барибир, улар...

Жаҳон Отин, мени кечириңг!  
Тузингизни тузлиқ демадим.  
Бу гумбаздан чиқиб кетдим мен,  
Пардаларни тортдим юзимдан...

Сиз кечиринг, Тўмарис момо!  
Кон лим мешга ғаним бошинмас,  
Бошин тиқдим ўз дўстларимнинг.  
Мендан олинг қиличингизни...

2002 йил

### Муножот

Минг йил тузганимни барбод айларсан,  
Минг йил бузганимни обод айларсан.  
Қандоқ қиёмат бу, қонлар бузилди,  
Ҳар лаҳза айларсан бот-бот айларсан.  
Гоҳ мани ғам билан мустарин айлаб,  
Ғаниму қасларни дилишод айларсан.  
Шукрким, Ҳонимлар қавмига қўшдинг,  
Ахир не бандангни безот айларсан.  
То бунёд бўлдимки занжир тўкийман,  
Қачон бу кулликдан озод айларсан?  
Умидлар этарга изн бер, Тангрим,  
Минг дод этганимда бир ёд айларсан.

2001 йил

### Бахшининг айттани

Ёзга, қишига қўникади одамзод,  
Ҳар не ишга қўникади одамзод.  
Садафдек оқ тишлари ташлаб кетса,  
Темир тишга қўникади одамзод.  
  
Йўққа-камга қўникади одамзод,  
Ҳар не дамга қўникади одамзод.  
Гуриллаган қувончи ташлаб кетса,  
Хатто ғамга қўникади одамзод.

Тахтин олсанг қўникади одамзод,  
Бахтин олсанг қўникади одамзод.  
Суякларин битта-битта синдириб,  
Шаҳдин олсанг қўникади одамзод.

Солганига қўникади одамзод,  
Олганига қўникади одамзод.  
Факатгина ... факатгина  
Боласи ўлмаса бас,  
Қолганига қўникади одамзод.

2002 йил

## **Холос**

Кимман ўзи, билмайман ўзим,  
Балки оддий инсонман холос.  
Шу борлигим, шу хорлигимда,  
Хақсизликка исёйман холос.

Балки бекор, куйиб-ғнганим.  
Кимга оғиб, кимдан тонганим.  
Минг алдайди бир ишонганим.  
Гох полон, гох шодонман холос.

Фанимларим у деб кўрдилар,  
Дўст ёрларим бу деб кўрдилар,  
Билмасларки, икки ўт ичра,  
Саргардону сарсонман холос.

Кимлар бўлди масти мастаним,  
Унинг васли бўлди армоним,  
Орзуларим менинг карвоним,  
Манзил билмас сарбонман холос.

Севганимнинг зоти асли шер,  
Шерлар хар дам озодликни дер,  
Хақнинг нури тушган парча ер,  
Мардлар тушган майдонман, холос.

Дил забт этмоқ — умрим маэмунини,  
Такдир дерлар бундай мавзууни,  
Худойимнинг маюс, маҳзуни —  
Бир шоири давронман холос.

*2006 йил*

## **Ватан ва остона**

Ассалому алайкум! Эй мовий осмон,  
Сен менинг муқаддас бешигим Ватан.  
Мени порлок кунлар чорлаган замон,  
Дунёга очилган эшигим — Ватан.  
Сен менга азизсан она сутидек,  
Гўдаклик йиғимга гувоҳ бўлганим.

Илк бор кадамимни қутлаб, қувониб,  
Севгим сирларидан огох бўлганим.  
Юрт кезиб соғинсам тупрок гардини.  
Соғинчимдан кўзи ёшланган Ватан.  
Менинг юрагимга туташиб йўли,  
Менинг оstonамдан бошланган Ватан.  
Илк бор айтган сўзим дунёга келиб,  
Йўлларга кузатган Ўзбекистоним.  
Куёшдек нур сочиб, жилмайиб, кулиб,  
Кўлларин узатган Ўзбекистоним.  
Онамсан, отамсан, неки улуғ бор,  
Сенинг номинг билан айтилар Ватан..  
Бу дунёга келиб Сенга келинар  
Ва бир куни Сенга қайтилар Ватан.  
Менинг илк саломим алик олганим,  
Илк бор кадамимни қутлаган макон.  
Севги изхоримдан энтиккан юрак,  
Менинг муқаддасим, эй Ўзбекистон.

2006 йил

## Ибодат

*Бу ишқ даشتидур,  
саргузашти жон оғатлариданdir.  
Алишер Навоий*

### 1

На осийман, итоатдин адашдим ман,  
На гумроҳман, бор тоатдин адашдим ман.  
Нега кўрдим, нега кирдинг юрагимга  
Сани кўриб-ибодатдин адашдим ман.

### 2

Минг бор Лайли бўлай, Мажнун бўлмассан,  
Бошдин оёқ куяй, мамнун бўлмассан.  
Гулжамол ўлади! Сен гар айрилсанг,  
Харгиз Гулжамолдек маҳзун бўлмассан.

### 3

Мандин кетма! Кетсанг холим хароб этгум,  
Сенинг-чун ҳам Тангримга ман жавоб этгум.

Мани туфрок этиб сочсин ер юзига,  
Хар заррангни топиб ўзим тавоф этгум.

4

Мандин кет! Хазондай аборлигим бор,  
Ташлаб кет! Гар сенга озорлигим бор.  
Куймасман! Сен менинг бир хорлигимсан,  
Чидайман! Олдимда минг хорлигим бор.

5

Хар жўяму ножўям ўзимдадур,  
Кофириму ҳожиям ўзимдадур.  
Мен борурман қисматимга тик бокиб,  
Хар уқубат, фожиам ўзимдадур.

6

Ёр эдим бошдин-оёк, ёрлигим англатдилар,  
Хорсан деб ҳар кеча хорлигим англатдилар.  
То абал йўқлик аро бор этар Тангрим мани,  
Минг шукр! «Йўқсан» дебон  
борлигим англатдилар.

7

Менга бу йўл имтиҳон бошдин-оёк,  
Воажабким, интиком бошдин-оёк.  
Бир яшай деб бош кўттардим, Ёрабо,  
Интиҳо бу, интиҳом бошдин-оёк.

8

Эй сен, нафратингдин нафратим бунёд,  
Харгиз шафқатингдин шафқатим бунёд.  
Каъбаи кўнглимга тоат айлагил,  
Билки, тоатингдин тоатим бунёд.

9

Савдоларим, адоларим сехрингдантур,  
Хатоларим, атоларим меҳрингдантур.  
Исмимга минг имзо чекмиш бандаларинг,  
Булар бари санинг битта муҳрингдантур!

## 10

Күзингни оч! Сандин күзин юмарлар бор,  
Күксингга бок! Тангри берган туморлар бор.  
Ишон! Канча чох қазсалар йўлларингда,  
Ўша йўлда шу чохларни кўмарлар бор.

## 11

Эй сен! Кўзларингму жонни бож этди,  
Кўзинг деб жон надур, дилхирож этди.  
Ўздин йўқолгани ўзимга аён,  
Йўқотмишларимдин Тангрим тож этди.

## 12

Билсам, ўзимдайин абгор экансан,  
Ўзимдай ўзингдан безор экансан.  
Сендан табибим деб даво истовдим,  
Эй-й, бемор экансан, бемор экансан!

## 13

Мен зорман! Зорингни топсанг ўлмасман,  
Бошимни киличда чопсанг ўлмасман.  
Энг сўнгги нафасда сени чорласам,  
Келиб кўзларимни ёпсанг... ўлмасман!

## 14

Бунёд эмас эдим, борлигим билдинг,  
Оловга отдилар, хорлигим билдинг.  
Қиёматлар ўтди... Кўз очдим, Ёраб,  
Қиёматдан сўнг хам яна сен келдинг.

## 15

Бул ишқ санамларга...  
Анда маним на ҳаддим бор,  
Фалак, санга на фарёдим, на додим бор.  
Ҳар нешики, вақт хукми катл этгай,  
На ёдингиз қолгай ул дам, на ёдим бор.

## 16

Мендан юз ўгирма, хеч хуш оним йўқ,  
Куйдирмоқ истама, хонимоним йўқ.  
Ишқинг кетар бўлса абасман, абас.  
Жоним кетар бўлса пушаймоним йўқ.

## 17

На хушким, насимлар ичра биз бормиз,  
Эй сокий, ишқ ичдик, бизда хумормиз.  
Бир кун туфрок бўлсак кўзга сургайлар,  
Гулларнинг хокидан бунёд тумормиз.

## 18

Бир дийдор истадик дийдордин,  
Бошимиз қутулмас зуниордин.  
Бу кандай ахилким, ахли йўқ,  
Бедори хол сўрмас бемордин.

## 19

Ичсам — чоғир бўлмоғинг хам мукаррардур,  
Борсам — бағир бўлмоғинг хам мукаррардур.  
Маним туфрок бўлмоғим-ку аён ҳар дам,  
Санинг ёмғир бўлмоғинг хам мукаррардур.

## 20

Озодмиз, гарчи кишанлар била ҳам биргамиз,  
Рухмиз биз кўр-эй кир танлар била  
ҳам биргамиз.  
Озоримиз кўриб ранжиб кетманг биздин,  
эй дўст,  
Гулмиэки, демак тиканлар била ҳам биргамиз.

## 21

Аввал фироғингдин бегона бўлдим,  
Шаму чироғингдин бегона бўлдим.  
Ишқ кетди, дил кетди, кўзга ёш келмас,  
Чашму кароғингдин бегона бўлдим.

## 22

Тонгги насимлардек елсак бўларми,  
Эй шамим! Парвона бўлсак бўларми.  
Сиздан бир кадарлар етди бу дилга  
Энди маъюс-маъюс ўлсак бўларми?

## 23

— Тангрим, — дедим, — хар нениким ижобат эт!  
Тангрим айтди:  
— Хар не айтсан итоат эт.  
Мангу обод бўлай десанг оёкка тур,  
Кеча-кундуз дараҳтлардек ибодат эт!

## 24

Ё раббимо, тиловатни хато қилма  
Садо келди: «Саловатни хато қилма!»  
Кўнглигимга бир нурлар тушди: манам покман!  
Тангрим, шу бир ҳаловатни хато қилма!

## 25

«Кўнглингизни меҳробларга ёринглар», де,  
«Гулжамол — хок, унга ишқни коринглар», де.  
Тангрим, покла, тупроқлардай покла мени,  
«Мендан кейин Гулжамолга боринглар», де.

## 26

Мен ўкиндим: манглайимда ёрлиғим йўқ,  
На барбодлиғ, ўзим бору борлиғим йўқ.  
Тангрим айтди: «Сен бандамсан, қаддингни тут,  
Ўзин бунёд этмаганга ёрлиғим йўқ».

## 27

Билмам, маним қандоқ хислатларим бор,  
Анжуманлар аро хилватларим бор.  
Мани кўрмок эсанг онамга боққил,  
Унда маъюс-маъюс сувратларим бор.

1999 йил

## МУНДАРИЖА

Шеър кувончи — Шукрулло.	
Ўзбекистон халқ шоири . . . . .	3

### 1. ФАҚАТ СЕВГИ ҲАҚИДА

Азиз китобхон . . . . .	6
Мухаббатининг шарти . . . . .	9
Эртак . . . . .	9
Рашк қасали . . . . .	10
Сен келган кун . . . . .	11
Қадри тугаган севги . . . . .	12
Мен ва сен . . . . .	13
Бир қадам . . . . .	13
Орзу . . . . .	14
Дугонамга ҳат . . . . .	15
«Интикомми...» . . . . .	15
Качондир . . . . .	16
Адашган меҳр . . . . .	17
«Эй кўнгил...» . . . . .	18
Менсиз . . . . .	19
Сўнгти сўз . . . . .	19
«Мен бир кун...» . . . . .	20
«Куярмиш курган кўнгил...» . . . . .	20
«Сан ўзинг...» . . . . .	21
Мехрибон жаллодим . . . . .	22
Мени кечир . . . . .	23
Эътироф . . . . .	24
Сизга . . . . .	25
«Яхши бўлди...» . . . . .	25
Қаҳратон . . . . .	26
Ёмғирли кун . . . . .	27
Бахт дастхати . . . . .	28
Дуо . . . . .	30
Видо . . . . .	30
«Қаҳратондай...» . . . . .	31
Арзи ҳол . . . . .	32
Ўзим . . . . .	33

Изхор . . . . .	33
«Томиримда гул оқади...» . . . . .	34
Мунчокларим . . . . .	35
Ошиқ хаёли . . . . .	35
«Севги изхорларин...» . . . . .	36
Мактуб . . . . .	36
«Дило кетдик...» . . . . .	37
«Нстай ёрим....» . . . . .	38
«Ишқи жонимдан үтганинг...» . . . . .	38
Икрор . . . . .	39
Сарик гуллар . . . . .	40
Турналар йўли . . . . .	40
Каровсиз ишқ . . . . .	41
Хазончехра . . . . .	42
«Харгиз исмимни...» . . . . .	43
«Умри давонимда...» . . . . .	44
«Бир ёр топсак эди....» . . . . .	44
Куэги гул . . . . .	45
Хавотир . . . . .	45
«Ахир нега...» . . . . .	46
Шафкат фасли . . . . .	46
Чорлов фасли . . . . .	47
Видо фасли . . . . .	48

## 2. ЮРАГИМ ТОМОНЛАРДА

Муножот . . . . .	50
Исён ва итоат . . . . .	51
Яхшиси . . . . .	51
Йўқ . . . . .	52
Сўров . . . . .	53
«Мен дунёга...» . . . . .	54
Ийллардирки . . . . .	55
Энди . . . . .	56
Эй Худойим . . . . .	56
Мен . . . . .	57
Баходир Йўлдош . . . . .	58
Сухандон аёл таърифи . . . . .	59
Чин дўстимга . . . . .	59
«Дўстим кетди...» . . . . .	60
Самарқанд ва Кўкон . . . . .	60
Бевафо дўст . . . . .	61
Ёлиз . . . . .	62
Амалдорга . . . . .	63
Хазил шеър . . . . .	63
Тавба . . . . .	64
Савол-жавоб . . . . .	65

Карз . . . . .	65
Ника Турбина . . . . .	65
Юрагим хақида . . . . .	66
<b>3. МЕНИНГ ИККИ КЎРҒОНИМ</b>	
Дахшатли хақиқат . . . . .	68
Таскин . . . . .	68
Илтижо . . . . .	69
Хайкал . . . . .	70
Шоирнинг онаси . . . . .	71
Ота дуоси . . . . .	73
Икки кўрғон . . . . .	74
<b>4. ВАТАН ДЕЯ ЮКСАЛАР РУҲИМ</b>	
«Ота, шеър азоби...» . . . . .	76
Келинчак орзуси . . . . .	76
Кишилок аёлларига . . . . .	77
Ўзбекистон мадҳи . . . . .	78
Омон бўлсин . . . . .	79
Ўзбек эли . . . . .	80
Ўзга юртда юрган бола . . . . .	81
Ўзбек боласи . . . . .	81
Ўзбекнинг ўзи . . . . .	82
Бизни халк . . . . .	83
Ўзбекистон . . . . .	84
Даъват . . . . .	85
«Гарчи йўлларимга...» . . . . .	85
Ватан ўғлони . . . . .	86
Тўйхат . . . . .	87
Кутловнома . . . . .	88
Курашлар юртиман . . . . .	90
<b>5. БОЛАЛИКНИНГ МОВИЙ ОСМОНИ</b>	
Болалик ва мен . . . . .	94
Қаерларда колдинг . . . . .	95
Фарзона, Ноиля, Шаҳинчалинг шеъри . . . . .	95
«Болаларга беринг дунёни...» . . . . .	97
Бегубор кулгилар . . . . .	98
Умид . . . . .	100
Кеча ва бугун . . . . .	100
Онам билан кўзим сухбати . . . . .	101
Хиёнат . . . . .	101
Муножот . . . . .	102
Бахшининг айтгани . . . . .	102
Холос . . . . .	103
Ватан ва остона . . . . .	103
Ибодат ( <i>туркум</i> ) . . . . .	104



ГУЛЖАМОЛ АСҚАРОВА

**ҮЙФОТУВЧИ Алла**

(Шеърлар)

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2007

Мухаррир *M. Сапаров*

Рассом *Г. Султонова*

Бадий мухаррир *A. Мусахўжаев*

Техник мухаррирлар: *Д. Габдрахманова, Р. Бобохонова*

Мусахихлар: *Н. Охунжонова, А. Зокиров*

Сахифаловчи *Л. Бацева*

Босишига руҳсат этилди 17.02.2007 йил. Бичими 84x108<sup>1</sup>/2. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоги 5,88. Нашриёт-хисоб тобоги 4,02. Адали 5000 шуҳса. 3404-сонли буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41-үй.**